




# VETERINARIYA MEDITSINASI



TIBBIYOT INSONNI,  
VETERINARIYA INSONIYATNI ASRAYDI!!

– Ҳазораспда  
боқилган буқанинг гүшти,  
қайта ишланган сут  
маҳсулотлари пойтахт  
бозорларига қадар етиб  
боряпти. Наслчилик  
ишларининг  
ривожланаётгани эса  
элимиз рузғорини түкин  
этяпти. Бунда  
ветврачларнинг хизмати  
беқиёслиги кишига ғуур  
багишлайди. Соҳадаги  
ислоҳотлару  
чорвадорларнинг  
ветхизматдан,  
субсидиялар  
берилаётганидан  
мамнунлигини  
айтмайсизми? Яқинда эса  
қумитамиз раиси янги  
хизмат автомашинасини  
бердилар, замонавий  
асбоб-ускуналар олдик.  
Буларнинг бари бизни  
янада фаоллик билан  
ишлашга унダメоқда, –  
дейди Ҳазорасп туман  
ветеринария ва  
чорвачиликни  
ривожлантириш бўлими  
бошлиғи Қадамбой оға  
Қурбонбоев.



**Таҳрир ҳайъати раиси:**

Х.Б.Юнусов – СамдВЧБУ ректори,  
б.ф.д., профессор

**Таҳрир ҳайъати:**

Ж.Азимов – ЎзР ФА академиги  
А.И.Ятусевич – РФА академиги  
Э.Д.Джавадов – РФА академиги  
С.В.Шабунин – РФА академиги  
Ю.А.Юлдашбаев – РФА академиги  
Т.И.Есполов – КР МФА академиги  
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси  
Б.Норқобилов – Ветеринария ва  
чорвачиликни ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси

А.Орипов – профессор  
Х.Салимов – профессор  
Ш.Джаббаров – профессор  
А.Даминов – профессор  
Р.Давлатов – профессор  
Қ.Норбоев – профессор  
Б.Б.Бакиров – профессор  
Н.Дилмуродов – профессор  
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор  
Н.Юлдашов – профессор  
Б.Элмуровдов – в.ф.д.  
Х.Ниёзов – в.ф.д.  
Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент  
Х.Бозоров – в.ф.н., доцент  
Р.Рўзикулов – в.ф.н., доцент  
А.А.Белко – ВДВМА доценти  
Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

**Бош муҳаррир вазифасини  
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

**Муҳаррир:**

Дилшод Юлдашев

**Дизайнер:**

Хусан САФАРАЛИЕВ

**Лойиха ташаббускори ва раҳбари:**

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни  
 rivожлантириш давлат қўмитаси  
 Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни  
rivожлантириш давлат қўмитаси,  
“AGROZOOVETSERVIS”  
масъулияти чекланган жамияти  
Ўзбекистон Магбуто ва ахборот  
агентлигида 2018 йил 2 февралда  
0284-ракам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан

чоп этилмоқда

**Манзил:** 100070, Тошкент шаҳри,  
Усмон Носир, 22.

**Таҳририят манзили:** 100022, Тошкент  
шаҳри, Күшбеги кўчаси, 22-йй

Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru  
www.Vetmed.uz

Адади 3450.

Нашр индекси: 1162

Босишига руҳсат этилди: 21.10.2022.  
Бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Офсет усулида чоп

этиди. 4,25 б.т. Буортма № .

Баҳоси келишишган нарҳда.

© Veterinariya meditsinası, #10 (179) 2022

“PRINT-MAKON” МЧК

босмахонасида чоп этилди.

Чилонзор тумани, 25-мавзе,

47-йй, 45-хонадон.

**Ветеринария фидойилари**

**А.Алиқулов** – Шижаатли меҳнат – ҳалоллик бешиги демак.....3

**Юқумли касалликлар**

**М.А.Рўзимуродов, Н.Ф.Амантурдиева** – Современные подходы  
к этиологии, эпизоотологии, диагностике и профилактике  
брюцеллоза мелкого рогатого скота.....7

**М.М.Сайдкулов, И.Дж.Мурзалиев** – Эффективность лечения  
пневмоэнтеритов ягнят препаратом кобактан – 2,5% .....12

**Юқумсиз касалликлар**

**Б.М.Эшбуриев, Б.Ч.Солиев** – Маҳсулдор сигирларда йод ва рух  
етишмовчилиги оқибатидаги бепуштикларнинг  
профилактикаси .....14

**Паразитар касалликлар**

**B.D.Narziyev, M.A.Ravshanov** – Senurozga chalingan qo‘ylarda  
ultratovush tekshirish natijalari.....16

**О.Б.Абдинабиев, А.А.Сафаров** – Самарқанд шаҳри ва  
кишлоқларда итларнинг гельминтлар билан заарланиш  
кўрсаткичлари ва зооноз турлар тавсифи.....18

**Ҳайвонлар ва паррандалар анатомияси ва патфизиологияси**

**Д.Н.Федотов, Х.Б.Юнусов, Э.Б.Азимбаев** – Гистологическая  
характеристика экзокринного и эндокринного отдела  
поджелудочной железы у новорожденных каракульских ягнят.....21

**Ж.М.Турсагатов, Н.Б.Дилмуродов** – Қорақўл қўйлар постнатал  
онтогенезида стилоподий суклари оғирликларининг ўзгариши  
динамикаси .....22

**Q.J.Tangirov** – Qorako‘l qo‘ylar postnatal taraqqiyotida  
buyraklarning morfometrik ko‘rsatkichlarining o‘zgarish  
xususiyatlari .....25

**Э.Б.Азимбаев, Х.Б.Юнусов, Д.Н.Федотов** – Морфофункциональная  
характеристика поджелудочной железы у каракульских ягнят в  
период отъема и полового созревания .....27

**Ш.А.Каримов, Б.Х.Гулбутаев** – Қорамолларнинг хўжалик  
фойдали белгиларига таъсир этувчи айрим физиоэтологик  
кўрсаткичлар .....29

**Q.J.Tangirov** – Hisori zotli qo‘ylarda tuxumdonlarning morfometrik  
ko‘rsatkichlarining o‘zgarishlari .....31

**Зоогигиена ва озиқлантириш**

**Р.Х.Даниеров, Б.Б.Ибрагимов** – Куёнларни сақлаш усулларининг  
ўзига хос хусусиятлари .....33

**А.А.Нурматов, С.И.Мавланов** – Илм-фан ютуқлари  
амалиётга .....35

**Chairman of Editorial Board:**  
X.B.Yunusov – doctor of biology, professor

**Editorial board:**

J.Azimov – academic  
A.I.Yatusevich – academic RAN  
E.Dj.Djavadov – academic RAN  
S.V.Shabunin – academic RAN  
Y.A.Yuldashbayev – academic RAN  
T.I.Espolov – academic QR MFA  
D.A.Devrishov – correspondent RAN  
B.Norqobilov – Chairman of the state Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan  
A.Oripov – professor  
X.Salimov – professor  
Sh.Djabbarov – professor  
A.Daminov – professor  
R.Davlatov – professor  
Q.Norboev – professor  
B.B.Bakirov – professor  
N.Dilmurodov – professor  
F.Akramova – doctor of biology, professor  
B.Elmuradov – doctor of veterinary  
N.Yuldashev – doctor of veterinary  
X.Niyozov – doctor of veterinary  
B.Narziev – doctor of veterinary  
X.Bozorov – doctor of veterinary  
R.Ruzikulov – doctor of veterinary  
A.A.Belko – dotsent VDVMA  
D.N.Fedotov – dotsent VDVMA

**Acting Chief Editor:**

Abdunabi ALIKULOV  
**Editors:**

Dilshod YOLDOSHEV  
**Designer:**

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

**Initiator and leader of the project:**  
State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

**Founders:**  
State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan,  
“AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284**

**Address:** 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070. Editorial address: 4, Kushbegi, 22 Tashkent, 100022 Tel.: 99 307-01-68, 97 770-22-35

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru  
[www.Vetmed.uz](http://www.Vetmed.uz)  
**circulation: 3450**

**Index: 1162**

Permitted for print: 21.10.2022. Format 60x84 1/8. Printed by Offset printing 4,25 press works Order #22 Free price.  
© “Veterinariya meditsinasi”, #10 (179) 2022

Printed by “PRINT-MAKON” Co., Ltd., Tashkent city. 47/45, Chilanzar 25 quarter .

**Dedicated Veterinarians**

**A.Alikulov** – Hard work is the key to earning a fair wage..... 3

**Contagious diseases**

**M.A.Ruzimurodov, N.G.Amanturdieva** – Modern approaches to the etiology, epizootiology, diagnosis and prevention of brucellosis in small cattle ..... 7

**M.M.Saydkulov, I.J.Murzaliev** – The effectiveness of the treatment of pneumoenteritis in lambs with the drug cobactan - 2.5%..... 12

**Non-contagious diseases**

**B.M.Eshburiev, B.Ch.Soliev** – Prevention of infertility caused by iodine and zinc deficiency in productive cows ..... 14

**Parasitic diseases**

**B.D.Narziyev, M.A.Ravshanov** – Results of ultrasound examination of sheep with coenurosis ..... 16

**O.B.Abdinabiev, A.A.Safarov** – Description of helminth infection indicators and zoonotic species of dogs in urban and rural areas of Samarkand region ..... 18

**Structure of animals and birds (anatomy) and disorders of their activity (pathophysiology)**

**D.N.Fedotov, Kh.B.Yunusov, E.B.Azimbaev** – Histological characteristics of the exocrine and endocrine parts of pancreas in newborn Karakul lambs ..... 21

**J.M.Tursagatov, N.B.Dilmurodov** – Changes in the mass of stylopodium during postnatal ontogeny of Karakul sheep ..... 22

**K.J.Tangirov** – Change of morphometric parameters of kidneys during postnatal development of karakul sheep ..... 25

**E.B.Azimbaev, Kh. B. Yunusov, D. N. Fedotov** – Morphofunctional characteristics of the pancreas in Karakul lambs at weaning and puberty ..... 27

**Sh.A.Karimov, B.Kh.Gulbutaev** – Some physiological and ethological parameters affecting beneficial properties of cattle ..... 29  
K.J.Tangirov – Morphometric changes of ovaries of Hisar sheep ..... 31

**Animal hygiene and feeding**

**R.Kh.Danierov, B.B.Ibragimov** – Specific features of rabbit keeping methods ..... 33

**A.A.Nurmatov, S.I.Mavlanov** – Scientific achievements to practice ..... 35

## ШИЖОАТЛИ МЕХНАТ – ҲАЛОЛЛИК БЕШИГИ ДЕМАК

– Ёшинг улгайгач, кўнгил тинчлик, хотиржамлик истаб қолади. Урушнинг бети курсин, уруп балосидан, оғату азоблардан Аллоҳнинг ўзи арасин, дейсан. Рости ҳам шундай. Дунёни титратган ва немис фашистлар армиясининг яксон бўлиши, япон ороллари устига АҚШ атом бомбаси тушиши билан якун топган лъянати уруш жароҳатлари 80 йил ўтсада эллинг хотиррасидан учгани йўқ. Афсуски, бугун ҳам дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу нуктасида уруш олови авж оляпти. Оловга керосин сепаётгандар ҳам оз эмас. Дунё қалқиб туриди. Тавба, дейсан, одамзод аклдан озаётгандаг ўхшайди, дилимизга, инсоний киёфамизга ёт бўлган, худога хуш келмаётган ишлар бўлаётганидан уйқунг кочади. Ана шундай маҳал Ўзбекистон раҳбарининг олиб бораётган сиёсатига тасанино дейсан. Давлат раҳбари эзгулик йўлида тинмаяпти, янгида янги ташаббуслар билан яшамокда. Ветврачу чорвадорни рухлантираётганини айтмайсиз. Шу боис ҳар тонг “Одилбой каридим, касалман деб ётишга заррача хаққинг йўқ, далага отлан, набираларга ўрнак бўл, молга, экинга қара, жамиятга нафинг тегсинг”, дейман. Чунки кишлоқда яшайдиган ҳар бир оила озиқ-овқатга, сабзи-пизу, сут-қатикқа, гўштга бўлган талабини ўзи кондирса, ерга, чорвага меҳр бериб, кўпроқ маҳсулот этиштиrsa, эҳтиёжидан ортиқта маҳсулотларни бозорга чикарса, мамлакат экспорт салоҳиятига баҳоли кудрат ҳисса кўшса, ўзбекнинг боласи чет элда мардикор бўлиб юришига асло хожат қолмайди, – дейди 74 баҳорни қаршилаган тажрибали чорвадор Одилjon Ҳасанов. – Мехнат ортидан ҳалол нон топиб эл назарига тушай, отамнинг дуосини олай дессанг шу ерда ҳам иш бор. Англайсанми, илм ол, институтда ўқи, чет эл технологиясини келтириб, тадбиркор бўл, деган гапни Президент ҳар куни айтаяпти. Талашиб тортишсанг, хукуқингни билсанг, жойлардаги раҳбарлар ҳам сиёсатга карши боролмайди, кўмак беради. Демак, ҳар бирингизга катта одам, бойвачча бўлиш учун имкон бор. Бу гапларни ҳар тонг, дастурхон атрофида ўтирганда фарзандлару набираларга айтаман. Ўзимдан сўз очсан, ёшлиқда ветврачу чорвадор дўстларим кўп эди, уларнинг маслаҳати билан фермерликка кўл урдик. Аллоҳга шукр адамадик. Мақтаняпти деманг тадбиркорликни Ўзбекистон туманида биринчилардан бўлиб бошлаган эдим. Бугун 310 наслли корамоллар бокилаётган фермада кўёвим Бекзоджон Носиржонов ва қизим бош, мен эса маслаҳатчиман. Шу ерга келмасам елкам тиришади, худди нафас этишмаётгандек сезаман ўзимни. Сигирларни озиқлантириш, ветврач укамизнинг ишини кузатиш, янги туғилган бузокчаларнинг бир кун ўтмай шаталоқ отиб югуриши менга завқ беради. Эрта туриб ишга отлавнишга ўрганиб қолганиман-да.

Одилjon бобонинг сўзларига қараганда, “Дилнавозбегим” фермер хўжалигига бугун 17 киши доимий иш билан банд, 111 боз сигирнинг 82 боши ҳар куни соғиляпти. Бу кунига бир яrim тонна сут дегани.

– Ветеринария хизматини юқори даражада ташкил этмасдан туриб наслли чорвани бокиб бўлмайди. Бу исбот талаб килмайдиган ҳақиқат. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимидан берилган ҳар бир тавсияни сўсиз бажариб келяпмиз. Хавфли касалликларга карши эмламалар ҳам ўз вақтида қилинмоқда. Бу борада бизга бўллим бошлиги Ни-

зомжон Абдуллаев ҳам ветучастка мудири Ҳамидулло Жалилов яқиндан кўмаклашмоқда. Шу боис фермада эпизоотик ҳолат барқарор, – дейди Одилjon бобо.

Ўзбекистон туманида билимдон, кўли енгил ва уйқуси сергак ветврач сифатида танилган Ҳамидулла Жалилов бизни яна бир фермер билан таништириди. Малъум бўлдики, дехончилиқда ҳам чорвадорликда ҳам кўпчиликка ўрнак саналган Қаҳрамон Исоқжонович дейишса, нафақат туманда, балки Фарғона вилоятида ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олар экан.

– Мехнаткашни бошига кўтаридаған мулкдор. Айниқса ветврачларга ишлаш ва дам олиш учун яхши шароит яратиб беради. Биласиз, яхшига ёндашсанг, насибанг улуғ бўлади. Балки шундай фермерлар билан ҳамкорлик қилганим учун ишимда барака бўлаётгандир, – дейди Ҳамидулла.

У янги “Дамас” автомашинасига ишора қилди.

– Бу тойҷоқни шу йил олдим, янги. Ишимни тез ва соз бажаришда жуда асқотяпти. Агар журналда ёзар бўлсангиз, ҳамкасларимга маслаҳатим бор. Баракали ва диёнатли одамларга дўст бўлинг, ҳамкорга айланинг, сиз ҳам мана шунақа автомашиналар минасиз, данғиллама уйлар курасиз. Давлатдан бирор нарса сўрашга ҳожат ҳам қолмайди. Энди эса Қаҳрамон аканинг фермасига борайлик.

120 боз абердин ангус зотли бўрдоқига бокилаётган корамоллар, 6 сотих жойдаги иссикхона, калифорния чувалчанги жойлаштирилган ва гумус тайёрланатган пайкал, пахта ва дон, такорир ҳамда оралиқ қинилар жойлаштирилган жами 105 гектардан ортиқ қинзорлар Муқимжоновга тегишили. “Қаҳрамон Исоқжонович” ва “Қаҳрамонжон баракали чорваси” фермер хўжаликлари соҳиби қишлоқнинг 32 нафар ёшларини ишчи сифатида ўз бағрига олган. Улар Қаҳрамон ака билан бақамти ишлаётганидан мамнун. Пахлавон Муқимжонов, Абдураҳмон Хошимов, Мухаммаджон Абдуллаев. Бу йигитларнинг ҳар бири ўз меҳнати, ҳалоллиги билан фермернинг меҳрини, ишончини козонган. Даладаги юмушлар авжига чиккан маҳал ишчилар сони юз кишидан ошади. Манфаатдорлик натижага қараб, аммо ҳеч ким бу даргоҳдан норози бўлиб кетган эмас. Қаҳрамон ака қишлоқнинг том маънода юрагига айланниб улгурган. Чунки у бой бўлгач, айримларга ўхшаб тумшуғи кўтарилиб кетмади, тантлилар билан эл назарига тушди, кексалар учун нажоту ёшлар учун ибрат тимсолига айланди.

Ўзбекистон туманида бўлган кун яна бир тадбиркор билан танишди. Насимбек Рўзматов, туман марказидаги бозорни қайта курган, ВСЭЛ учун кулагай шароит яратиб берган, гўшт ва сут маҳсулотларини ветврач кўригисиз савдога чиқарманг, дея қатъий талаб кўйган йигит.

– Одамларда учрайдиган турли касалликларнинг 70 физи гўшт ва сутнинг сифатсиз бўлишидан пайдо бўлади. Па-

разит ё вирус, касаллик кўзғатувчиси бир қарашда кўзга кўринмайди. Текширилмаган сутни, гўшти сотиб олиш жуда хавфли, буни ветеринариядан озгина боҳабар бўлган киши англайди. Афсуски, айрим одамлар кўзига пул, фойда кўринадио инсофони





унутгали. Шу боис биз ВСЭЛ мудири Равшан Ахмедов билан доимий хамкорликдамиз. Шубхали ва сифатсиз бўлган маҳсулот кимники бўлишидан катъий назар йўқ қилинмоқда, – дейди Насимбек Рўзматов.

– Шу йилнинг ўзида ВСЭЛ текширувлари натижасида 92 ҳолатда 184 килограмм жигар маҳсулоти, 250 килограмдан ортиқ қовун-тарвуз сифатсиз бўлгани учун саводдан олинди ва йўқ қилинди. Шунинг ўзиёқ юзлаб одамларни хавфли касалликдан саклаб қолинди деганидир. Биз доимий равишда харидору сотувчилар учун тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Ўйлайманки, бу келгусида ўз самарасини албатта беради, – дейди Равшанбек Ахмедов.

#### Хоразм вилояти.

– Хар гал журнални қўлимга олганда, хурматли домлаларнинг расмлари ё маколаларини ўқигандан талаба бўлган кунларим ёдимга тушади. Ўшанда ёш эдик, фамилиямизни талабалар сафида кўриш нечоғлик ҳаяжонли бўлган, сўнг институтда таникли олимлардан лекциялар эшитдик, имтиҳонлар топширдик, амалиёт жараёнлари янада кизиқарли ўтган. Бир сўз билан айтганда, устоzlар бизни яхши мутахассис бўлсин, ветврач сифатида касбини ардокласин, дея таълим берган, дуо қилишган. Бугун эса ўзимиз ҳам шогирдлар эътирофидамиз. Шу боис Самарқанд давлат ветеринария, чорвачилик ва биотехнологиялар университети олимларини, соҳамиз жонкуярларини, қўмитамиз тизимида меҳнат қилаётган барча фидойи ҳамкасларни 1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан табриклайман. Доимо соғу саломат бўлинг, азизлар, юртимизни Аллоҳнинг ўзи арасин, ютукларимиз кўпаяверсин, – дейди **Хоразм вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Маримбой Султонов**.



– Вилоятимиз ҳокими, маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан соҳамизни ривожлантиришга катта ўтибор қаратилмоқда. Жойларда ийрик чорвачилик фермалари барпо этилди, хориждан зотдор ғунажинлар олиб келиш, ахоли ихтиёридаги корамоллар наслини яхшилаш, сунъий уруғлантиришни такомиллаштиришга жиддий ўтибор қаратганимиз. Мухими, вилоятимизда эпизоотик ҳолат барқарор, хавфли касалликларга қарши эмлаш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Буни жойларда бўлиб тажрибали мутахассислар фаолияти билан танишсангиз ўзингиз кўрасиз.

Хива туман ҳокими маҳаллий кенгаш депутатлари кўллови билан туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими биносини таъмирлаш, “Дамас” русумли хизмат автомашинасини олиш учун 400 миллион сўм пул ажратди. Бир сўз билан айтганда, оғарин. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Абдулласул Абдуллаев Абдурасул Абдуллаевнинг эътироф этишича, туманда 13та ветучастка мавжуд ва мутахассислар хавфли касалликларга қарши эмлаш билан бирга сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантиришга



ҳам эътибор қаратган. Бу борада “Оқ ёб” ветучастка мудири Хамрохбек Жуманиёзов ва “Катибош” ветучастка мудири Адилбек Абдолниёзовлар ҳамкасларига ўрнак бўлишишмоқда. 35 йиллик тажрибага эга бўлган Исломбек Салаев, Донохон Худайберганова, Ражаббири Рўзметова сингари билимдон ветврачларнинг эса ўнлаб шогирдлари бор. Улар ёшларга меҳрибонлик билан ветврачлик сир-асорларини ўргатишмоқда.

– Институт дипломини олди дегани тайёр мутахассис бўлдим, дегани эмас. Ветврач талабчан устоз кўлида машиққатли меҳнатда пишиди, хатолардан чўчимай ишлайдиган бўлади. Айрим ёшлар ишга келгач, касбга оид адабиётларни, журналларни ўқимай қўяди. Институтда ўқиганман, ҳаммасини биламану дейди. Бу бемаъни гап. Журнални варакланг, домларнинг мақоласига кўз ташланг, нималар эсдан чикканини яққол сезасиз. Шу боис ҳамкаслар орасида уялиб қолмаслик, касал молни даволашда хатога йўл қўймаслик учун ўқиш-урганишдан чарчамаслик керак. Бу борада ўзимизнинг “Veterinariya meditsinası” энг кулагай восита, – дейди Абдурасул Абдуллаев. – Яна бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Кейинги йилларда ветврачлик ардоқли касбга айланмоқда. Уйида бирор моли ё жоновори бўлган одам албатта шу мутахассисга мурожаат қиласди. Касалликка учраган жоноворни даволаб, муаммога нукта қўйинг, молнинг эгаси нечоғлик қувонади. Шу тарика дўстлар кўпаяди. Пул топиш ҳам шунга яраша бўлади. Демак, давлат бизга етарли шароит яратиб беряптими, шунга яраша меҳр билан ишлашимиз керак.

– Курсдошларимнинг икки нафари профессор, бაъзан мен ҳам институтда қолганимда албатта улардан ўзиб кетардим, деб қўяман. Лекин афусуга асло ҳожат йўқ. Бўлим бошлиғи бўлиб ишлайман. Ҳазорасп туманида ҳамма хурмат қиласди. Чунки қишлоқда ҳамма қўй ё мол боқади, шу орқали даромадини кўпайтиришга интилади. Ветврач эса молни даволашу парваришилашда энг мақбул йўлни айтадиган одам. Чорвадор фермерлар бизни кўрса э ўшулли, галинг, галинг, дейди, дарров ресторонга чорлайди. Ана шундай кезларда шу касбни танлаганимдан қувониб кетаман. Бошка соҳада бўлганимда балки бу қадар хурмат кўрмасмидим, дейман. Яратганга шукр, профессор дўстларим ҳам тез-тез чақириб туришади. Уларни танийсиз. Бирни Самарқандда Бозорбой Элмуродов, институт директори, иккинчиси Собир Мавлонов, Тошкентда, кўмитада. Оқибатли, камтарин йигитлар. Шу боис журналиниз орқали профессорларни, илм аҳлини, барча устоzlарни 1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан табрикласам. Соғ бўлишисин. Шогирдлари эъзозида бўлишисин. Бизда ҳам ўнлаб ёшларга устоzlик қилаётган қишилар бор. Улардан бири Давлатёр Юсупов, унинг отаси ҳам ва айни чоғда ўғли ҳам ветеринария соҳасини танлаган. Ветврачлар оиласи. “Пичоқчи”



ветучастка мудири Сухроб Абдуллаев, ветфельдшер Файрат Атабаевларни тун ярмида ҳам иш устида учратасиз. Чунки улар меҳнат ортидан ҳалол ризқ топишга одатланишган. Қолаверса, кимирласанг қир ошасан, пул ҳам топасан дейишган-да.

Қадамбой оға билан Пичоқчи кишлоғидаги “Саломат” наслчиллик фермер хўжалиги фермасида бўлдик. 140 бошдан ортиқ зотдор корамолларнинг турқи таровати зўр, барча жони-вирлар семизгина. Фермер корамолларни беда пичани ва кучли озуқалар билан бокяпти. 30 гектарлик пайкалнинг бир четига иккинчи экин сифатида макка экилган экан. Энди сўталашга кирган макканинг бўйи икки метрдан ортиқ.



– Экин ҳам, молнинг ҳолати ҳам одамнинг ички дунёсига киёс, – дейди Қадамбой оға. – Танти бўлсангиз Аллоҳ сизни сийлайверади. Камол Сўфиев жуда меҳнаткаш, далага юрагини берадиган фермер, шу боис озиқлантириш зўрлигидан макка озуқабоп бўлиб ўsgan. Бўйини қаранг буни, бўйини.

– Насиб этса, бу йил мана шу макка силоси туфайли кишлоғовда озуқадан кийналмаймиз, деб мўлжалаяманд-да. Ахир 140 бош молни боқиши осон эмас, туну кун оғзи тўхтамайди, шунга яраша маҳсулот беради. Ўтган йил 40 бош бузок туғилганди, бу йил ундан ҳам кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Муҳими, жониворлар Қадамбой оғанинг кўмаги билан касаллика чалингани йўқ. Барака топсин, – дейди Камол Сўфиев.

– Биласиз, ҳазораспликлар тадбиркор ҳалқ, фойда келадиган бўлса одамларимиз ойга ҳам учуб бориб, ферма қуради



(у кулиб қўяди). Ер берса, кўшни давлатларга бориб ҳам чорва килади. Ҳозирча эса чорва ўзимизда ривож топяпти. Ўнлаб фермерлар хориждан наслли қорамоллар келтирди, шу йилнинг ўзида 11 минг бошдан ортиқ сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантиришни режалаштирганмиз. Туманимиз ҳокими чорвардор фермерларни елкасига қоқиб “Бўш келманг, нима кўмак бўлса берамиз, молни кўпайтиринг, кўпроқ маҳсулот этиштиринг” деяптилар. Мана шундай шароитда биз ҳам фермерлару аҳоли ўртасида хавфли касалликлардан огоҳ бўлинг, эмлашга эътибор қаратинг, дея тарғиботни ҳам кучайтирганмиз. Кўмитамиз раиси томонидан берилган топширик ва кўрсатмалар фаолиятимизни самарали бўлишини таъминлаяпти, – дейди Қадамбой оға биз билан хайрлашаркан.

### Фарғона вилояти.

– Зотдор мол бокишига аҳолининг қизиқиши кундан кунга ортиб бормоқда. Чунки беш-олти бош жайдари сигир берадиган сутни бир бош зотдор сигир бериши мумкин. Бу кунига 35-40 литр сут дегани. Бир сигир бир рўзгорни обод қилиши



ҳам бор гап. Шу мақсадда мутахассисларимиз ҳайвонларни даволаш, эпизоотик тадбирларни амалга ошириш билан бирга

сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратган. Туманимиздаги “София Султон” фермер хўжалигидаги эса чет эл технологияси асосида 56 бош зотдор буқалар бокиляпти. Уларнинг уруғлари маҳсус тамойилга кўра олинниб, водий вилоятларига чукур музлатилган ҳолда жўнатиляпти, – дейди Қува туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиги Баҳриддин Ахунов.

– Иш сифати, таҳлил жараёнлари, зотдор буқалардан олинган

уруғларни қадоқлаш, кафолатли тарзда осеминаторларга етказиб бериш корхона раҳбари томонидан қаттиқ назоратга олинган.

Буни корхонадаги иш жараёнлари билан танишган барча мутахассислар эътироф этишган.

– 11 хил зотдор буқаларимиз бор. Уларни парваришлаш, буқалардан юқори сифатли уруғ олиш, илмий тавсияларга сўзсиз амал қилиш. Бу осон иш эмас. Яқинда Европадан келган чет эллик мутахассислар корхонамизда бўлишди. Улар билан кўшма корхона ташкил этишини режалаштиридик. Чунки наслчилкини ҳам технологик жараёнларни ҳам доимий равишда дунё илм-фанида бўлаётган ўзгаришлару янгиликларни назарда туттаган ҳолда такомиллаштириб бориш керакда, – дейди фермер Бобир Насридинов.

– Агар кўшма корхона ташкил этсақ, унинг кошида бирйўла 30 нафар осеминаторни ўқита оладиган марказ иш бошлайди. Бу жуда зарур. Ўкув марказига хориждан мутахассисларни таклиф этамиз. Амалиёт жараённи шу ернинг ўзида, замонавий ускуналар кўмагида ўтказилади. Ўйлайманки, биз шу тариқа зотдор бука уруғларининг сифатига бўлаётган ноўрин эътиrozларга буткул барҳам берамиз.

**Абдунаби Алиқулов**



## ИЛМ ОРТИДАН ҚАДР ТОПГАН УСТОЗ

Нашримиз таҳрир ҳайъати аъзоси, таниқли олим, профессор Орипов Анвар Орипович ноябрь ойида 84 ёшни қаршилаиди. Шу муносабат билан устоз ҳакида ёзгимиз келди.

А. Орипович юзлаб иктидорли олимларни тарбиялаган том маънода фидойи инсон, ёшларнинг меҳрибон устози. У илм йўлида маслаҳат сўраб олдига келган ёшларни неварасидек қадрлайди, маслаҳатини бериб, руҳлантиради ҳам.

Анвар Орипович танти инсон, юрагида кири йўқ. Устоз билан соатлаб сұхбатлашинг, зерикмайсиз, шогирдларининг илмий соҳадаги ютукларини эшитганда эса худди шу ғалабани ўзи кўлга киритгандек кувонади.

Бугун Ўзбекистон илм-фанида, хусусан ветеринария соҳасида устоздек залворли ютукларга эришган олимни топиш қийин. Эътибор беринг, устоз бундан роппа-роса 61 йил илгари, яъни 1961 йил Самарқандаги қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетини имтиёзли диплом билан битирган. Иктидорли талабадаги илмга бўлган иштиёқни, гельминтология йўналиши бўйича келажакда катта ютукларга эриша олишини профессор Николай Васильевич Баданин олдиндан сезган. Шу боис у Анвар Ориповични ўзига шогирд килип олган.

Яна бир ёътиборли жиҳат шундаки, устоз “дараҳт бир жойда кўкаради”, деган ақидага қатъий амал қилганлар. У бутун ҳаёти ва илмий фаолиятини муқаддас илмий даргоҳ – Ветеринария илмий-тадқиқот институти билан боғлаган. Шу илм бешигида кичик илмий ходим сифатида иш бошлаб, узок йиллар институтга директорлик қилди. Раҳбарлик мартабасига эришганда ҳам, жаҳоннинг таниқли олимлари мақтовини эшитганда ҳам, профессор бўлиб юксак минбарларда сўзлагандага ҳам инсоний қиёфасини, самимий-лигини заррача йўқотмаган. Айни чоғда ҳам унинг қалби меҳрга тўла. Балки шу боис уни тақдир сийлагандир дейман, Аллоҳ ҳаёт йўлини ёритиб тургандир.

Эътиборли жиҳат шундаки, Анвар Орипов талабалик давридаёқ илмий мавзуни танлаб олган эди. Академик К.И. Скрябиннинг сафдоши саналган профессор Баданин 1959 йилда шогирдига гельминтозлардан ҳисобланган ва шу пайтгача старли ўрганилмаган маршаллагиознинг ўзига хос жиҳатларини тадқик этишни юклиди, тадқиқотларни қандай олиб борса натижага бўлишини айтди, керакли йўл-йўриқ кўрсатди. Бу изланишлар натижасида Анвар Орипов дастлаб номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, сўнг катта илмий кашфиётлар муаллифига айланди.

Устоз эришган ютуклар дунё илм-фанига янги бир йўналишини олиб кирди. 1983 йилда эса академик И.Х. Эргашев раҳбарлигидаги докторлик диссертациясининг ҳимоя қилиниши ветеринария илм-фанида катта илмий воқеа сифатида қайд этилди.

Энг муҳими, устоз яратган илмий кашфиёт, илмий тавсиялар, шу асосда яратилган кўлланмалар ишлаб чиқаришда тезкорлик билан ўз аксини топди. Бу миллионлар эмас, балки миллиардларда намоён бўлган иктиносидай самарадир.

Профессор Анвар Орипов чорвачилик соҳасида гельминтларга қарши самарали курашнинг энг мақбул йўлларини содда ва аниқ кўрсатиб берди. Натижада А. Орипович республика ҳукумати, вазирlikлар томонидан муносаби тақдирланди. Кейинроқ Анвар Орипович республика “Олтин тулпор” ва Интеллектуал мулк танловларининг голиби сифатида тилга тушди. 6 та монография, дарслик ва ўкув кўлланмалари, 17 та патент ҳамда 250дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи саналган устоз 2 нафар фан доктори,

12 нафар фан номзодларини тайёрлаб, ветеринария гельминтологиясида ўзига хос мактаб яратди.

Айни чоғда кўз тегмасин, А. Орипович илмий тадқиқот институтининг гельминтология лабораторияси мудири сифатида ёшларга ўрнак бўлиб меҳнат кильмоқда. Илоҳим, умри зиёда бўлсин, орзулари ушалаверсин.

Эътироф этиш лозим, олимнинг нашримиз таҳрир ҳайъати аъзоси сифатидаги фаоллиги таҳсинга лойик. Шу боис биз ҳам уларга кўз тегмасин деймиз. Аллоҳ барчамизни ўз паноҳида асрарай.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ТАРАҚҚИЙ ЭТАВЕРСИН!



– Президентимизнинг Туркманистонга қилган ташрифларини диккат билан кузатдим. Музокаралар ғоят самарали бўлди, янги келишувлар имзоланди. Бундан беҳад қувондик. Чунки бизнинг ишимиш худди шу давлат чегараси билан боғлиқда, – деди **“Хоразм” ҷегара ветеринария пункти бошлиги Илҳом Шарипович Тиллаев**. – Бошқармамиз раҳбари ташабbusи билан ишхонам замонавий техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Импорт-экспорт билан шуғуланаётган тадбиркорнинг ветеринария назорати бўйича бирор иши бўлса юзма-юз бўлишга ҳожат йўқ, барча хужжатларни виртуал тайёрлаш мумкин. Факат газнага белгиланган пулни тўласа бас. Бундай кулийлик илгари ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган.

Илҳом Шариповичнинг институтни тутагиб, Хоразмга қайтганига 42 йилдан ошиди. Дастлаб у Урганч шаҳридаги гўшт комбинатида ветврач бўлиб ишлади. Сўнг бир муддат хусусий корхонада меҳнат қилди. 2010 йилдан бошлаб чегара ветеринария пунктида бошлиқ, ёшларнинг меҳрибон устози. 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни эса Илҳом оғанинг телефони тўхтовориз жиринглади, шогирдлар тажрибали ветврачни самимий табриклишди. Ўша куни уни бир пиёла чойга айтганлар ҳам кўп бўлди. Чунки Илҳом оға фиску фасодни ёқтиримайдиган самимий инсон, ҳамкаслари, шогирдлари эришган ютуқдан қувониб кетади. Ҳар гал Тошкентга борганда, бошкарма тизимидағи ўзгаришларни зимдан кузатганда Аллоҳга шуқр, соҳамизда яхши одамлар, танти раҳбарлар борки, ишлаб чарчамайсан, деб кўяди, барчага омад тилайди. Биз билан сұхбат чогида у бир гапни алоҳида таъкидлади.

– 42 йилдирки, ветеринария соҳасидаман. Чегара ветеринария пунктига ишга ўтганимда неварам бобожон формангиз мунча чиройли, менга ҳам тикитириб беринг, деди. Бу гапни кутмагандим, руҳланниб кетдим. Шу касбни танлаб тўғри қилганимни энди сезяпман. Не ажабки, институтда бизга илк бор дарс берган устозларнинг кўпчилиги бу дунёдан ўтиб кетди. Яхши инсонлар эди, охирати обод бўлсин. Айни чоғда ёшларга таълим бераётган хурматли устозларни, курсдошларимни, кўмита ва бошқармамиз тизимидағи барча фидойи инсонларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклиман. Колаверса, сизу бизга дилдан яқин бўлган улуғ айём – ўзбек тили байрами муборак бўлсин! Бизга мана шундай жаннатмонанд ватанни мерос қолдирган аждодларимизга ташаккур айтаман. Яхши ишласак, қасбга садоқатли бўлсак, фарзандларимизни янада билимли, заковатли, юртпарвар қилиб тарбиялай олсак, Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузи янада ошади. Шунда бизнинг ҳам келгуси авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади. Шу боис барчангизга Аллоҳдан узок умр, оиласи ҳотиржамлик, ишда эса ғайрату шижаот тилайман.

**Набиҷон Эргашев**



УДК: 619:616.981.42

**Рўзимуродов Мухиддин Ахрорович, заместитель  
директора УзНИВИ, кандидат ветеринарных наук,  
Амантурдиева Нигора Ғуломовна, магистр**

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ЭТИОЛОГИИ, ЭПИЗООТОЛОГИИ, ДИАГНОСТИКЕ И ПРОФИЛАКТИКЕ БРУЦЕЛЛЁЗА МЕЛКОГО РОГОТОГО СКОТА

### Аннотация

В статье представлена информация (обзорная информация) по эпизоотологическим данным по бруцеллёзу мелкого рогатого скота и оздоровлению хозяйств от этой инфекции. Данна полная характеристика возбудителя заболевания. Кроме того в материале приведены полные мероприятия по ликвидации бруцеллезу овец и коз в неблагополучных по данной инфекции хозяйствах.

**Ключевые слова:** Бруцеллёз м.р.с, патогенез, дифференциальный диагноз, иммунитет, профилактика.

**Введение.** Бруцеллёз входит список болезни В (2 группа). В связи с социальной опасностью бруцеллез включен в список карантинных болезней. Бруцеллез (Brucellosis) (мальтийская лихорадка, болезнь Банга, эпизоотический аборт) - инфекционная, хронически протекающая зоонозная болезнь животных и человека вызываемая бактериями рода бруцелла и сопровождающаяся у овец и коз abortами, задержанием последа, орхитами и эпидидимитами. Значительные средства затрачиваются на организацию и проведение оздоровительных мероприятий. И что самое опасное, больные бруцеллезом овцы и козы являются основным источником заболевания людей бруцеллезом.

**Целью** нашей исследований является представлять характеристику возбудителя болезни, анализ мероприятий по диагностике и профилактике бруцеллёза м.р.с.

Для достижения этой цели были изучены и проанализированы более 30 источников информации по материалам Интернета, фонда библиотеки НИИВ и ГосРос библиотеки.

**Этиология.** Возбудителем болезни является *Brucella melitensis*, которая представляет из себя мелкие, неподвижные, не спорообразующие, грамотрицательные кокковидные или палочковидные микроорганизмы. Размеры кокковидных форм колеблются от 0,3 до 0,6 $\mu$ , а палочковидных – от 0,6 до 2,5 $\mu$ . Аэробы хорошо растут на специальных питательных средах (сывороточный декстроз-агар, картофельный агар с добавлением сыворотки, кровяной и печеночный агар) и плохо на простых средах. Бруцеллы, как и другие виды патогенных бактерий, обладают способностью под влиянием различного рода факторов изменять свойственные морфологические, культуральные и антигенные свойства. Бруцеллы устойчивы во внешней среде. Во влажной почве бруцеллы сохраняют свою жизнеспособность до 110 суток, в огороженной земле и на почвах богатых перегноем, - до 100 дней. В пыли, загрязненной мочой больных животных, бруцеллы сохраняются свыше 40 дней, в воде до 90 дней, а при особо благоприятных условиях – до 150 дней. Прямые солнечные лучи убивают бруцелл в сроки от нескольких минут до нескольких часов. В охлажденном молоке бруцеллы остаются жизнеспособные в течение 6-8 дней, в масле 41-67 дней. В сырах и брынзе 42 дня и более, в закисающем молоке - от одного до четырех дней. Во внутренних органах, костях,

### Summary

The article presents information (viewing information) on epizootological data on the brucellosis of small cattle and the improvement of farms from this infection. The full characteristic of the pathogen is given. In addition, the material contains full measures to eliminate Brucellosis of sheep and goats in farms dysfunctional for this infection.

мышцах, лимфатических узлах инфицированных туш, бруцеллы сохраняют свою жизнеспособность свыше 30 дней, в замороженном мясе - более 5 месяцев, в засоленном - свыше 3 месяцев, в посоленных шкурах - 2 месяца, в овечьей шерсти и на коже овец - от 1,5 до 4 месяцев. При температуре плюс 55° во влажной среде бруцеллы погибают в течение часа, при плюс 60° - за 30 минут, а при 70° - через 10 минут. При кипячении бруцеллы погибают за несколько секунд. К действию дезинфицирующих средств бруцеллы неустойчивы. Осветленный раствор хлорной извести, содержащий 2-2,5% активного хлора, 2%-ный раствор едкого натрия, 10-20 %-ная взвесь свежегашеной извести убивает бруцелл в течение нескольких минут. 0,5%-ный раствор глутарового альдегида и 5%-ный фенолят натрия обезвреживает бруцеллы за 1 час.

**Эпизоотология.** Бруцеллез поражает все виды домашних животных, однако свое наибольшее распространение он имеет среди крупного рогатого скота, мелкого рогатого скота (овец и коз) и свиней. Бруцеллез установлен у многих видов диких животных, преимущественно травоядных и грызунов (сайгаки, бизоны, джайраны, зайцы, суслики, серые крысы, водяные полевки и т.д.). В очагах инфекции бруцеллы можно обнаружить у кровососущих насекомых и клещей. У аргасовых и иксодовых клещей бруцеллы могут сохраняться в различных стадиях развития и даже передаваться трансовариальным путем. В дикой природе бруцеллез наблюдается в очагах инфекции среди овец или крупного рогатого скота. В естественных условиях мелкий рогатый скот может заражаться бруцеллезом через слизистые оболочки рта и пищевода при приеме корма или воды, содержащих возбудителя бруцеллеза, а также через слизистые глаз, носовой полости, влагалище. Заражение возможно и через кожу, особенно ног, при соприкосновении с инфицированным навозом. Заражение мелкого рогатого скота возможно и во время случки с инфицированным производителем. В здоровое стада мелкого рогатого скота бруцеллез обычно заносится с водой в него бруцеллезных животных. Источником заражения мелкого рогатого скота бруцеллезом могут служить инфицированные пастбища и водоисточники. В отдельных случаях бруцеллез могут распространять собаки, которые сравнительно легко инфицируются *Brucella*

melitensis. Бруцеллезная инфекция имеет место массовое распространение в периодabortов и ягнения овец и коз в неблагополучном стаде. Во время бруцеллезного abortа с плодом, плодовыми оболочками и водами в окружающую среду выделяется огромное количество бруцелл. Выделениями, содержащими возбудителя бруцеллеза, загрязняется подстилка, остатки корма, кормушки, шерсть и кожа овец и коз. Летом если abort и ягнение происходит не в кошаре идет инфицирование пастища. У бруцеллезных овец и коз после abortа или даже нормального окота маточные выделения, моча и молоко некоторое время, иногда до двух лет, содержат заразное начало. Все вышеупомянутое обуславливает накопление бруцеллезной инфекции во внешней среде, создавая при этом возможности для массового перезаражения овец и коз в этот период. Заражение суягных овец и коз в большинстве случаев приводит к abortу, при этом наиболее опасны abortы, которые происходят на 2-3-ем месяце суягности. Если владельцы и сельхозпредприятия в данный период не примут необходимые ветеринарно-санитарные меры, то первые abortы в отаре повлекут заражение и последующие abortы других животных. Которые в дальнейшем в свою очередь будут источником бруцеллезной инфекции.

**Патогенез.** Возбудитель бруцеллеза, попав в организм овцы или козы через слизистые оболочки пищеварительного тракта, влагалища, через конъюнктиву, поврежденные кожные покровы и т.д., некоторое время размножается на месте своего проникновения и в ближайших лимфатических узлах. В зависимости от дозы и вирулентности возбудителя, а также от устойчивости животного, через 1-10 и больше дней, бруцеллы проникают в кровь и разносятся по всему организму, т.е. наступает генерализация инфекции. С развитием инфекционного процесса в крови инфицированного животного появляются антитела. Обычно в начале обнаруживаются агглютинины, а потом комплементсвязывающие вещества, к 15-30-му дню зараженное животное начинает реагировать на антиген. Иммунологические реакции наиболее выражены у инфицированного животного в период развития морфологических изменений в органах. При заражении животного небольшой дозой бруцелл или при их слабой вирулентности, развитие инфекционного процесса может задерживаться, и тогда иммунологические реакции появляются у инфицированного животного значительно позже. Бактеремия у животного кратковременна, и гемокульттуру удается получить только в первые 10-30 дней, и то не постоянно. Бруцеллы наиболее благоприятную среду для своего размножения находят в беременной матке, где развивается воспаление плодовых оболочек (плаценты), питание плода нарушается, плод погибает, и как инородное тело он выбрасывается из организма. Время от гибели плода до его abortа не одинаково у различных животных. У отдельных животных мертвый плод выбрасывается уже разложившимся. Специалистами замечено, что овцы, зараженные за 2-3 месяца до покрытия, не abortируют и наоборот, заражение суягных овец в большинстве случаев приводит к abortу. В то же время, при заражение овец в поздний период суягности, патологический процесс не успевает развиться, плод донашивается и может остаться жизнеспособным, но плодные воды и оболочки содержат массу бруцелл. При попадание мелкому рогатому скоту малых доз или же культу-

ра является слабовирулентной, а сам организм животного обладает повышенной устойчивостью (молодой организм, приобретенный иммунитет) инфекционное начало может быть ограничено у инфицированного животного регионарным лимфатическим барьером и инфекция ликвидирована организмом в короткие сроки. При бактериологическом исследовании овец, убитых в первые 30 дней после инфицирования бруцеллой, бруцеллез обнаруживался постоянно. В то же время при исследовании через 1,5-3 месяца бруцеллезная культура выделялась только у половины исследованных животных, а уже при исследовании через 3-4 месяца выделить бруцеллез у большинства животных не удается. В различных хозяйствах сроки выздоровления овец от бруцеллеза не одинаковы и зависят от вирулентности штамма, вызвавшего заболевание, длительности инфекции в хозяйстве, резистентности организма. Отмечено, что овцы выздоравливают быстрее при отсутствии abortа, и других симптомов заболевания бруцеллезом, сбалансированном рационе кормления, давней инфекцией в хозяйстве и при ее вялом течении. Если же у мелкого рогатого скота резистентность организма низкая, бруцеллезная инфекция локализуется, принимает латентный характер и затягивается на 1-2 года и дольше. Более длительно бруцеллы локализуются у инфицированных животных в вымени и лимфатических узлах, в основном надвымянных и тазовой полости. У некоторых больных животных бруцеллы можно обнаружить в течение двух лактаций. У баранов и козлов бруцеллы длительное время локализуются в тестисах. При понижении резистентности организма овец и коз, в результате наличия других заболеваний, при голодаании, а также в состоянии суягности и т.д. латентная бруцеллезная инфекция у инфицированного животного может обостриться и снова перейти в генерализованную. В этих случаях часть овец повторно abortирует. Для бруцеллеза мелкого рогатого скота характерна возрастная устойчивость выражаящаяся в устойчивости молодняка к бруцеллезу.

**Клиническая картина.** При экспериментальном заражении овец Br. melitensis в первые 3-4 дня у животного отмечается повышение температуры тела до 40,5-41°, угнетенное состояние и потеря аппетита. После этого состояние организма инфицированного животного приходит в норму и заболевание у животного переходит в хроническую форму, протекая в большинстве случаев бессимптомно. Клинические признаки бруцеллеза проявляются главным образом у суягных овец и коз в виде abortов (инфекционные и инвазионные abortы у мелких домашних животных), после которых у abortировавших животных отмечается задержание последа (задержание последа у мелких домашних животных) и эндометрит (острый послеродовой эндометрит у мелких домашних животных). При бруцеллезе abortы у суягных животных принимают массовый характер – abortируют от 20 до 60% маток. Перед abortом, так же как и при нормальных родах у маток происходит набухание и покраснение срамных губ и слизистой влагалища, из влагалища у животного идут слизисто-гнойные истечения, происходит набухание вымени, животное становится беспокойным. Матки abortируют чаще всего на 4-5-м месяце суягности, а некоторые и раньше. Сроки abortов зависят от периода суягности в момент заражения, вирулентности возбудителя, дозы инфекционного материала и от резистентности организма. У отдельных инфицированных животных плод

донашивается, но выбрасывается мертвым или рождается не-жизнеспособным и погибает в первые 1-2 дня. Иногда при двойнях один плод рождается живым, а другой – мертвым. При бруцеллезе у инфицированных животных бывают артриты и маститы. В первые 1-1,5 месяца после аборта у животных регистрируем тендовагиниты, бурситы, риниты, бронхиты (острый катаральный бронхит), конъюнктивиты, кератиты, иногда симптомы поражения нервной системы – парезы и параличи (И.А.Тарасов) У баранов и козлов регистрируем орхиты и эпидидимиты. Количество абортоов и других осложнений у овец в отарах неблагополучных по бруцеллезу, зависит от вирулентности штамма, вызвавшего заболевание, состояния резистентности организма, полноценности кормления, соответствующих зоогигиенических условий содержания. Поэтому в различных хозяйствах бруцеллез протекает по разному. В некоторых хозяйствах бруцеллез у овец протекает вяло, с небольшим количеством абортоов и при соответствующих мерах в сравнительно короткие сроки имеется возможность полностью оздоровить стадо. Большое количество абортоов обуславливается массовым перезаражением сухих животных, что происходит в тех случаях, когда при появлении первых абортоов владельцами не были приняты необходимые ветеринарно-санитарные меры (уборка плода, последа и подстилки, изоляции абортировавшего животного, дезинфекции места аборта и помещения и пр.). Массовые абортоы у животных обычно регистрируются в первые 1-2 года, после заражения стада бруцеллезом, в последствии абортоы происходят главным образом среди молодых животных первого-второго окота.

**Патологоанатомические изменения.** Причиной аборта является гнойно-катаральный метрит. При аборте плодовые оболочки студенисто инфильтрированы и местами покрыты хлопьями фибрлина и гноя; плод часто отечен, в грудной и брюшной полостях жидкость с примесью крови. Матка увеличена, стени ее утолщены, дряблые. Слизистая оболочка отечна, гиперемирована, с пятнисто – полосчатыми кровоизлияниями. Молочная железа в состоянии интерстициального воспаления. Надвымянные и глубокие паховые лимфузлы увеличены, плотные, серовато-белого цвета. Селезенка и печень увеличены. У баранов и козлов регистрируют гнойно-некротические орхиты и эпидидимиты с образованием в семенниках и придатках абсцессов и некротических очагов.

**Диагноз** на бруцеллез мелкого рогатого скота ставят комплексно с учетом эпизоотологических данных, клинической картины болезни, результатов бактериологических, серологических исследований. Из эпизоотологических данных ветеринарный специалист должен обратить внимание на благополучие местности по бруцеллезу, исключить возможность заноса инфекции из ближайших и или отдаленных неблагополучных хозяйств с приобретаемыми животными, при контакте животных на пастбищах, в местах водопоя и т.п. При клиническом обследовании животных учитывают в маточном поголовье благополучие окотов, наличие животных с признаками свойственными бруцеллезу (аборты, задержание последа, эндометриты), у самцов наличие орхитов и бурситов. Для бактериологического исследования в ветеринарную лабораторию направляют патологический материал (плод с плацентой, кусочки паренхиматозных органов, кровь, молоко и др.) свежий или консервированный. Одновременно в лабораторию направляют для серологи-

ческого исследования молоко, сыворотку крови или кровь от абортировавшего или убитого с диагностической целью животного. Бактериологическая диагностика бруцеллеза заключается в бактериоскопии мазков из патологического материала и при необходимости постановку биопробы на морских свинках. При этом выделение культуры бруцелл при посеве биоматериала на специальные питательные среды и положительная биопроба на морских свинках имеют решающее значение при постановке бактериологического диагноза на бруцеллез. Для серологической реакции у мелкого рогатого скота используют РА, РСК, РДСК, РПБ. Диагноз на бруцеллез считается установленным:

1. При выделении культуры бруцелл из биоматериала.
2. При положительной биопробе.
3. При положительных результатах серологических исследований в РА 100 МЕ/мл и выше, РСК в разведении сыворотки 1:5 и выше. При выявлении среди овец и коз реагирующих только в РА -25-50 МЕ/мл, их обследуют повторно через 15-30 дней. Иммунизированных животных исследуют на бруцеллез в порядке и в сроки, предусмотренные наставлением по применению вакцины, и дают оценку их состояния по бруцеллезу.

**Дифференциальный диагноз.** При проведении дифференциальной диагностики ветеринарные специалисты должны исключить инфекционные заболевания, которые сопровождаются у овец и коз абортами: кампилобактериоз, трихомоноз, хламидиоз, иерсиниоз, листериоз, лептоспироз, сальмонеллез овец и коз, инфекционная агалактия овец и коз, инфекционный эпидидимит. Одновременно необходимо исключить аборты незаразного происхождения(кормовые отравления, травмы).

**Иммунитет.** Отличительной чертой иммунитета при бруцеллезе является его замедленное формирование и слабая напряженность. В первой фазе инфекции иммунитет носит нестерильный характер, затем переходит в постинфекционный иммунитет, отличающийся полным освобождением организма от бруцелл и нормализацией патологических изменений в органах. Механизм как инфекционной, так и постинфекционной фаз иммунитета обуславливается в основном фагоцитарной защитой организма, но определенное значение играют и гуморальные факторы: образование агглютининов, опсонинов, комплементсвязывающих веществ. Формирование защитных реакций у инфицированных животных развивается постепенно. В фазе адаптации возбудителя наблюдается незначительная реакция со стороны ретикулоэндотелиальной системы (РЭС) только в регионарных лимфатических узлах; при этом специфические антитела отсутствуют. В фазе генерализации инфекции у инфицированного животного происходит формирование морфологических изменений в тканях животного. В этот период реакция со стороны РЭС, лимфоидной ткани, фагоцитоз бактерий и синтез специфических антител хорошо выражены, а устойчивость к суперинфекции высокая. В фазе освобождения организма больных овец и коз от бруцелл происходит также заметная пролиферация лимфоидных и ретикулярных клеток и фагоцитоз бактерий макрофагами, ретикулярными и эндотелиальными клетками и полиморфноядерными лейкоцитами, завершающийся полным лизисом бруцелл. В этой стадии отмечается высокий показатель опсонической и защитной сил сыворотки. Длительность выработанного

иммунитета у овец и коз колеблется в широких пределах. Реинфекция вирулентными бруцеллами иногда приводит к прорыву иммунитета в любой его фазе, а особенно в фазе угасания. Для иммунизации овец и коз применяют вакцину из штамма В melitensis Рев -1.

**Лечение** больных бруцеллезом животных не разработано. Применение многих химиотерапевтических препаратов и гипериммунной сыворотки не дало положительных результатов. Больные бруцеллезом животные подлежат убою.

**Рисунок 1.** Междольковый выводной проток в поджелудочной железе у каракульской овцы. Возрастная группа 4-5 месяцев (окраска гематоксилином-эозином,  $\times 400$ ).



**Рисунок 2.** Общий вид ацинусов поджелудочной железы у каракульской овцы. Возрастная группа 4-5 месяцев (окраска гематоксилином-эозином,  $\times 400$ ).

Каракульские овцы также обеспечивают население не только шерстью и кожей, но мясом и молоком, что также играет важную роль в продовольственной безопасности страны.

Необходимость интенсификации современного каракульского овцеводства, как разновидности промышленного животноводства требует постоянного углубления знаний о закономерностях морфологической организации систем организма продуктивных животных, обеспечивающих их основные жизненные явления.

**Целью** настоящего исследования стало изучение моррофункциональных характеристик поджелудочной железы у каракульских ягнят 2-3 и 4-5 месячного возраста, выращиваемых в условиях овцеводческих ферм Узбекистана.

**Материал и методы исследований.** Кусочки поджелудочных желез фиксировали в 10% растворе нейтрального формалина и заливали по общепринятой методике в парафин. Гистологические срезы толщиной 5-7 мкм окрашивали гематоксилином-эозином.

**Результаты исследований.** В результате проведённых комплексных морфологических исследований установлено, что поджелудочная железа у 2-3-месячных каракульских ягнят имеет типичное паренхиматозное строение. Снаружи она покрыта тонкой соединительнотканной капсулой, сращенной с брюшиной. Отходящие от капсулы нежные прослойки рыхлой соединительной ткани разделяют её на долики, 98% которых составляет экзокринная часть и 2% – эндокринная.

На гистологических срезах экзокринная часть представляет собой сложную альвеолярно-трубчатую железу, структурно-функциональной единицей которой является ацинус, состоящий из концевого секреторного отдела и вставочного протока.

Вставочные протоки представляют начало системы выводных протоков поджелудочной железы каракульских овец. Практически на всех гистологических срезах панкреатический ацинус образован 8-10 ациноцитами и

центроацинозными клетками (редко 12 и выше). Ациноциты лежат на базальной мемbrane, имеют коническую форму и выраженную полярность: расширенный базальный полюс и суженный апикальный. Базальный полюс окрашивается равномерно базофильно (является гомогенным). Апикальный отдел окрашивается окси菲尔но и является зимогенным, так как содержит гранулы зимогена (содержащие ферменты в неактивной форме).

Общеизвестно, что главной функцией ациноцитов является выработка пищеварительных ферментов, активация которых происходит в полости 12-перстной кишки. Секреторная деятельность панкреоцитита проходит циклически, с длительностью в среднем 2 часа. Секреторный цикл состоит из фаз: поглощение исходных веществ, синтез секрета, его накопление и выведение [2-5].

Секрет из панкреоцитов поступает во вставочный отдел, стенка которого выстлана у каракульских овец кубическим эпителием (иногда однослойным плоским) лежащим на базальной мемbrane. Последние, в случае входления внутрь секреторного отдела (ацинуса), называются центроацинозными клетками.

Сливаясь, вставочные протоки образуют внутридольковые протоки, выстланные однослойным кубическим эпителием.

Междольковые протоки, располагающиеся в соединительнотканых прослойках между дольками, образуют общий выводной проток железы, проходящий от хвоста до головки и впадающий вместе с общим желчным протоком в 12-перстную кишку.

Слизистая оболочка протоков поджелудочной железы каракульских овец образована призматическим эпителием, содержащим бокаловидные клетки и эндокриноциты с собственной соединительнотканной пластинкой.

На гистологических срезах у половозрелых 4-5-месячных овец долики поджелудочной железы разделены прослойками рыхлой соединительной ткани, по которым проходят кровеносные и лимфатические сосуды, нервы и выводные протоки.

Вставочные протоки вливаются в более крупные внутридольковые протоки, которые, в свою очередь, образуют крупные междольковые протоки, выстланные столбчатым эпителием, расположенные в соединительнотканых септах.

Ацинус экзокринной части поджелудочной железы состоит из нескольких клеток, лежащих вокруг просвета. Они резко поляризованы, имеют сферическое ядро и содержат зимогенные гранулы (присутствующие в каждой клетке).

Ацинусы имеют шаровидную, овальную или слегка удлиненную форму и состоят из одного слоя железистых эпителиальных клеток, кольцобразно расположенных. Ацинусы окружены базальной мембраной, которая поддерживается тонкой оболочкой из ретикулярных волокон.

Ацинарные клетки имеют более или менее коническую форму и обращены апикальным концом к просвету ацинуса. Просвет ацинуса небольшой, ядро лежит ближе к основанию ацинарной клетки. Апикальная (надядерная) часть цитоплазмы заполнена гранулами секрета (зимогена), которые заполняют всю верхнюю половину ацинарной клетки. Базальная часть ациноцитов резко отличается от апикальной своей гомогенностью. Округлые крупные ядра ацинарных клеток содержат сравнительно много хроматина и 1–2 оксифильных ядрышка.

Митозы в ацинарных клетках встречаются редко.

Поджелудочная железа также обладает богатой капиллярной сетью, насыщено необходимой для секреторного процесса.

**Заключение.** Таким образом, полученные данные дополняют разделы возрастной и породной морфологии и в целом вносят фундаментальные познания в биологию каракульского овцеводства.

#### Литература:

1. Арипов, У.Х. Каракульское овцеводство и рациональное использование их биопродуктивных признаков в пустынно-ландшафтной зоне / У.Х. Арипов, Г.Т. Ахророва, М. Урбиноева // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL AND APPLIED SCIENCES. – 2022. – Vol. 3, Iss. 2. – P. 114-118.
2. Диагностика и лечение инвазионных болезней овец и коз: монография / А.И. Ятусевич, Х.Б. Юнусов, Д.Н. Федотов и др. / -Ташкент, 2022. Издательство «Фан зиёси», 124 с.
3. Морфологическое проявление патологических процессов в органах животных: монография / А.И. Жуков, Х.Б. Юнусов, Ш.А. Джаббаров, Д.Н. Федотов, А.С. Даминов, М.П. Кучинский. – Ташкент: издательство «Навруз», 2020. – 152 с.
4. Морфологическое проявление патологических процессов у плодов и молодняка животных: монография / Х.Б. Юнусов, А.И. Жуков, Д.Н. Федотов, Мария Сол Перец, и др. – Ташкент: издательство «Фан зиёси», 2022. – 88 с.
5. Федотов, Д.Н. Гистология диких животных: монография / Д.Н. Федотов. – Витебск: ВГАВМ, 2020. – 212 с.

УДК 636.29

Ш.А.Каримов, қ.х.ф.н., доцент, Б.Х.Гулбулаев, ассистент,  
Термиз агротехнологиялар ва инновацион  
ривожжанини институти

## ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ФОЙДАЛИ БЕЛГИЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ АЙРИМ ФИЗИОЭТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАР

### Аннотация

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик соҳасида изчиллик билан самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада соҳа ривожланаб, аҳоли фаровонлигини яхшилашга ўз ҳиссасини кўшиммоқда. Ушибу мақолада чорвачиликнинг боши тармоғиги ҳисобланган қорамолчилик тармоғига буқачалар хўжалик фойдали белгиларига таъсир этувчи физиоэтологик кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар.** Радиация, экология, микроэкология, интеръер, физиологик, биокимёвий, гематологик, морфологик, гистологик, маҳсулдорлик, эритроцит, лейкоцит, тромбоцит, гемоглобин, клиник, гематологик.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳар бир организм янги муҳитга дастлаб морфологик, физиологик ва биокимёвий жиҳатдан мослашади ҳамда бу кўрсаткичлар наслдан-наслга берилади. Бунда қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва конституцияси билан боғлик бўлган интеръер кўрсаткичлари муҳим роль ўйнайди. Интеръер таълимотининг асосчилиридан бири Е.Ф. Лискун (1954) сигирлар елинининг гистологик тузилишини ўрганиб, уни сут маҳсулдорлиги билан боғлик эканлигини кўрсатган.

Унинг фикрича, интеръер кўрсаткичлар ҳайвонларни зотига, маҳсулдорлик хилига, ёшига, жинсига, озиқлантириш ва асраш шароитига қараб ўзгариб турал-

### Annotation

In recent years, effective reforms have been carried out in the field of animal husbandry in our country. As a result, the industry is developing and contributing to improving the well-being of the population. This article analyzes the physioethological indicators that affect the beneficial characteristics of bulls in cattle breeding, which is the main branch of animal husbandry.

ди. Қорамолларнинг интеръер кўрсаткичлари бўйича Е.А.Арзуманян (1957), Е.В.Эйдригевич ва бошқалар (1978), И.М.Мақсадов (1994), И.М.Мақсадов ва бошқалар (1994), А.Б.Каракулев (1996), У.Н.Носиров (1974, 2001, 2002), П.С.Собиров ва бошқалар (2003) кўплаб илмий-тадқиқотлар ўтказиб, интеръерни гўшт, сут ва уларнинг сифат кўрсаткичлари билан боғлиқлигини исботлашган.

Уларнинг тажрибалари натижалари шундан да-полат беради, қорамоллар организмидаги қоннинг моҳиятини баҳолаш анча қийин. Айнан қон барча хужайраларни керакли моддалар ва кислород билан таъминлайди, моддалар парчаланишини бошқаради, шунинг

билин бир қаторда организмнинг ҳаёт фаолияти нормада бўлиши учун қулай муҳит яратади.

Ю.Г.Абовян (1990) генетик келиб чиқиши билан бир-биридан кескин фарқ килган, З ойлик бузокларни ажратиб, уларни 20 ойлигигача қон таркибидаги умумий оқсил миқдори ўзгаришини ўрганганд. Олинганд натижаларни таҳлил қилиб шундай хулоса қилганки, барча ўсиш даврида (3,6,12,20 ойлик) қора-ола билан голштин зотини чатишма ҳайвонлари кавказнинг кўнгир, қора-ола ва кавказни кўнгир зоти билан голштинни чатиштириш натижасида олинганд чатишма ҳайвонларидан умумий оқсил миқдори бўйича устун бўлишган.

Хусусан оқсил 20 ойлиқда қора-ола х голштинда 77,7 г/л бўлиб, бу кўрсаткич бўйича улар кавказнинг кўнгир зотидан 8,9 г/л (12,9 %), қора-оладан 2,7 г/л (3,4 %) ва кавказнинг кўнгир x голштин чатишмасидан 5,3 г/л (7,3%) ўзиб кетишган. Чатишма ҳайвонларда умумий оқсилнинг кўплиги уларни организмда модда алмасиши жараёни жадал кечишидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг турли худудларida ҳар хил зотга мансуб бўлган қорамолларнинг клиник, гематологик кўрсаткичларини уларни хўжалик фойдали белгилари билан боғлиқлигини З.Т.Тўракулов ва бошқалар (1986), У.Ш.Балласов (1999), Х.С.Мухиддинова (2001), У.Кўччиев (2006), Ш. Каримов (2006), А.Болтаев (2007), А.А.Хушвақтов (2007), А.Қахаров (2008), Р.Хайитов (2008) ва ўрганишган.

А.Джехиш (1990) ҳар хил генотипли қора-ола таналарини 18 ойлигигача жадал усуlda боқиб, уларнинг клиник кўрсаткичларини ўрганиб, соф зотли қора-олага нисбатан озорбайжон зебуси ва хиндистон зебуси билан олинганд дурагай таналарда оксидланиш ва тикланиш жараёни жадал кечганигини қайд этган. 12 ойлигига зебу билан олинганд дурагайлари қонининг таркибидаги эритроцит қора-олага нисбатан 3,7-5,0 % кўп бўлган. Гемоглобин бўйича ҳам худди шундай фарқ аниқланган. Айнан ана шундай фарқланиши И.Н.Хушвақтов (1998), Б.А.Қахраманов (1999), А.Т.Қудабаевлар (2006) ҳам кузатишган.

Г.Б.Амантурдиев (1996) қора-ола зотли буқачаларни ҳар хил сақлаш шароитида клиник ва қоннинг морфологик таркибини ўрганганд. Макроиқлим ўзгариши билан ҳайвонлар танасида ҳарорат, нафас олиш, қон томири уриши тезлашганигини кузатган. Қоннинг шаклли элементлари ҳам ҳайвонларнинг ёши ва йилнинг фасли ва сақлаш шароитига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. 8,5 ойлигигача бинода, 8,5 ойдан 10 ойлигигача майдонда, кейин 14 ойлигигача майдонда боғлаб ва якуний сўқимланиш енгил ёпиқ бинода ўтказилган буқачалар қони гемоглобинга бой бўлган, шунинг учун ҳам улар 17 ойлигига 441 кг тирик вавзинга эга бўлиб, бошқа шароитда боқилган тенгдошларидан 43-17 кг ёки 10,8-4,1% зиёд тош босган. Айнан ана шу буқачаларни гўшт нимталари оғирлиги ҳам 260,1 кг бўлиб, ўз тенгдошлари бошқа шароитда боқилган буқачалардан 29,6-10,1 кг ёки 12,4-4,15 ўзиб кетишган. Гўштнинг морфологик, кимёвий таркиби бўйича ҳам ишонарли даражада гурухлараро фарқ аниқланган.

О.Карпова ва бошқалар (2006) Саратов вилояти «Абодимовский» хўжалиги шароитида ҳар хил маҳсулдорлик хилига (типга) оид симментал зотли қорамоллар қонининг морфологик таркибини таққослаб

ўрганиб, гемоглобин миқдори сут-гўшт йўналишдаги сигирларда 11,26 г% бўлиб, сут йўналишидан 0,23 (2,1%) ва гўшт йўналишидан эса 0,42 г% (3,9%) кўп эканлигини таъкидлаган. Эритроцит миқдори бўйича бу фарқ 0,25 млн/м<sup>3</sup> (3,6%) ва 0,43 млн/мм<sup>3</sup> (6,4%) ни ташкил этган. Лейкоцитлар барча хилдаги ҳайвонларда деярли бир хил бўлиб, гўшт йўналиши бироз устунлик килган. Сут-гўшт йўналишига мансуб сигирлар конституцияси мустаҳкам бўлиб, улар тез ўзгарувчан ва кескин иқлим шароитида бошқа йўналишдагиларга нисбатан тез мослашади. Уларнинг организмида барча орган, тўқима ва хужайралар жадал ишлайди, шунинг учун ҳам қони шаклли элементлари га бойдир. Бу маълумотлар С.Лумбунов ва бошқаларнинг (1998) маълумотларига мос келади.

И.Скоркина ва бошқаларнинг (2005) ёзишича, гўштнинг биологик қиймати деганда, ундаги алмашадиган ва алмашмайдиган аминокислоталар нисбати тушунилади. Шунинг учун ҳам улар ҳар хил генотипли чатишма (симментал x қизил-ола голштин) буқачаларнинг орқа узун мускули аминокислот таркибини таҳлил қилишган. Натижа шуни кўрсатганки, тирозин, валин, лейцин, фенилалин, гистидин, лизин, арганин каби аминокислоталар голштин қон улуши 7/8 бўлган чатишма ҳайвонларнинг орқа узун мускулида кўп бўлса, аксинча метианин қон улуши 3/4 бўлган ҳайвонларда кўпроқ сақланар экан. Аминокислоталарнинг умумий миқдори бўйича соф зотли симментал ҳайвонлари қон улуши 3/4 ва 7/8 бўлган чатишма ҳайвонлардан 0,83 ва 2,10 мг% орқада қолишган. Юқори даражада оқсил сифат кўрсаткичи (0,79) ҳам айнан қон улуши 7/8 бўлган чатишма буқачаларда кузатилган. Ушбу маълумотлар Г. Калинин, С. Долгоаев (2000), Ш.Каримов ва бошқаларнинг (2006) илмий-тадқиқотлари натижаларига мос келади.

Чорвачиликни ва унинг боштармоғи қорамолчиликни жадал усуlda ривожлантиришнинг асосий имкониятларидан бири уларнинг биологик эҳтиёжини ҳисобга олиши ҳисобланади. Бунинг учун эса ҳайвонларни асраш ва озиқлантиришни тўғри ташкил этишга муҳим ўрин туладиган феъл-атвор кўрсаткичлари тўғрисида чукур билимга эга бўлиш лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Хушвақтов А.А. Қахаров А.К. Некоторые интерьериные показатели молодняка крупного рогатого скота. Сб. Научн. Трудов Московской мед. Академии. им. И.М. Сеченова. Москва. 2006. с.240-242.
- Хушвақтов А.А. Ҳар хил генотипли қора-ола зотли буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва биологик хусусиятлари. Қ.х.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс.... Автореф. Тошкент. 2007. 21 б.
- Каримов Ш., Давронова Н., Қахаров А.К. Биологическая оценка качества мяса молодняка молочных и комбиварированных пород крупного рогатого скота: Научн. Тр. Моск. Мед. Академии им. И.М. Сеченова. М., 2006. с. 242-244.
- Каримов Ш. Ҳар хил генотипли ёш қорамолларнинг физиотерапевтикалык хусусиятлари. «Фан ютуқлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари» Республика илмий анжуман материалари, Самарқанд, 2005, 22-23 6.
- Жавхаров О.З. ва бошқ. European journal of Molekular & Klinical Medicine, 2020, Volume 7, Issue 9, Pages 1959-1965.

UDK:636.31:591.4:591.3

Tangirov Qayum Jo‘rayevich,  
dotsent v. b. veterinariya fanlari nomzodi,  
Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti

## HISORI ZOTLI QO‘YLAR TUXUMDONLARNING MORFOMETRIK KO‘RSATKICHLARI DINAMIKASI

### Аннотация

Яичники овец Хисори изучены линейные размеры и масса, морфометрические изменения на разных физиологических этапах их развития. Установлено, что морфометрические изменения яичников изменяются в период развития животных и имеют разные характеристики в зависимости от породы овец.

*Kalit so‘zlar: Hisori qo‘ylar, tuxumdonlar, chiziqli o‘lcham, absolyut ko‘rsatkich, tuxumdon o‘sish koeffisiyenti, morfometrik o‘zgarishlar.*

**Kirish:** Respublikamiz aholisini chorvachilik mahsulotlari bilan ta’minlashda qo‘ychilik tarmog‘ining o‘rni beqiyosdir. Hayvonlardan sifatlari va yuqori mahsulot olish uchun ularning biologik hususiyatlari va tug‘ilganidan keyingi rivojlanish bosqichlarida organlarning o‘zgarib borish hususiyatlari ulardan ratsional foydalishni, xususan reprotokdir organlarda yuzaga keladigan turli hil patalogiyalarning oldini olishda muhim ahamiyatga ega bo‘ladi.

M.H.Babayevning tadqiqotlari natijasida 8 oylik qo‘zilar tuxumdonidagi ovuliyatsiya jarayoni birmuncha mayda folikulalarda kuzatilishi, bu esa homilaning sifatiga salbiy tasir ko‘rsatishi aniqlangan.

Muallifning fikricha, qo‘zilarni ushbu yoshda qochirish tavsiya etilmaydi. Qorako‘l qo‘ylarida fiziologik jinsiy yetilish 18 oylikda yuz berib, ana shu yoshda ularni qochirish yuqori samara beradi, ya’ni homila normal shakllanadi va o‘sadi. Shuning uchun muallif qorako‘l qo‘ylarini aynan fiziologik jinsiy voyaga yetgan bosqichda nasl olish uchun urug‘lantirishni tavsiya qiladi.

I.I Nekrasova mushuklarning ayrim siyidik ayirish va ko‘payish organlarining postnatal ontogenezdagi morfometrik hususiyatlarini o‘rgangan bo‘lib, siyidik pufagi va siyidik yo‘lining ko‘rsatkichlari erkak hayvonlarda urg‘ochilarga nisbatan yuqori bo‘lishini aniqlagan. O‘ng va chap siyidik yo‘lining uzunligi barcha o‘rganilgan yoshlarda o‘sishi kuza tilib, eng yuqori darajasi hayvonlar postnatal rivojlanishining dastlabki bir oyligida ro‘y berishi, o‘ng siyidik yo‘li chap siyidik yo‘liga nisbatan biroz uzun bo‘lishi qayd etiladi.

Turli fiziologik davrlarda urg‘ochi hayvonlar reproduktiv organlarining tuzilishi, topografiyasi va funksional xususiyatlarini bilish ularning normal holatini aniqlash, sun‘iy urug‘lantirish, ginekologik tekshiruv o‘tkazish, akusherlik va ginekologik yordamga tashxis qo‘yish, terapiyani to‘g‘ri qo‘llash, shuningdek seleksiya va naslchilik ishlari da urg‘ochi qo‘ylarda bachadonning morfologik tadqiqotlar natijasida 4 oylikkacha bachadonning intensiv o‘sishi qayd etilganligi aniqlangan. Bachadon alohida qismlarining o‘sishi notejis sodir bo‘ladi. Shoxlar uzunligi, keyin tanasi va bachadon bo‘yni tezroq o‘sadi. 4 oylik yoshda yorqin ayollarda bachadon devorining tuzilishi tananing, bo‘yinning va shoxlar shakllanishining to‘liqligini ko‘rsatadi va 6 oylik qo‘ylarda bachadon bezlarining ko‘pligi va shoxlanishi, ularning bo‘shlig‘ida sir mavjudligi qayd etilgan. Bachadon shoxlarining shilliq qavatida karunkullar to‘rt qator bo‘lib, 4 oyligida shakllanishni tugatadi, 6 oylik qo‘ylarda esa qon tomirlarining zinch tarmog‘i va kuch bilan o‘tadi. Mushaklar-

### Annotation

Hisori sheep ovaries linear dimensions and weight, morphometric changes at different physiological stages of their development were studied. It has been established that morphometric changes in the ovaries change during the development of animals and have different characteristics depending on the breed of sheep.

ning dumaloq va bo‘ylama qatlamlarining yaxshi rivojlangan tomir qatlami ham qayd etilgan. Yangi tug‘ilgan chaqaloqlarda bachadon shilliq qavati va bachadon bo‘yni sitoplazmasida glikogen, neytral va kislotali sulfatlangan glikoproteinlar oz miqdorda aniqlanadi, 4 oylikdan boshlab ularning tarkibi, ayniqsa bachadon bo‘ynida ortadi. 4 oydan boshlab bachadon bo‘yni miyositlari umumiyoq qilsilning muhim miqdorini o‘z ichiga olganini ta’kidlaganlar.

**Tekshirish usuli va materiallari.** Tadqiqot ishlari Surxondaryo viloyatining Boysun tumanidagi hisori zotli qo‘ylarning urg‘ochilik jinsiy ko‘payish organlari ustida olib borildi. Ilmiy tekshirishlar uchun postnatal ontogenezning 1, 3, 6, 12, oylik bosqichlaridagi hayvonlar tuxumdon, tuxum yo‘li va bachadonlari olindi. Urg‘ochilik ko‘payish organlarning morfometrik ko‘rsatkichlarini aniqlashda N.P.Chirvinskiy tomonidan qo‘llanilgan hamda joriy qilingan umummorfologik uslublardan foydalanildi. Tadqiqot ishlari Surhondaryo viloyti Termiz Agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti Zooinjneriya, veterinariya va ipakchilik kafedrasidagi laboratoriyasida bajarildi.

Matematik-statistik tahlil Styudent va Fisher mezonlari yordamida kompyuterning Microsoft Excel elektron jadvalida bajarildi.

**Olingan natijalar va uning muhokamasi.** Ilmiy tekshirishlar natijasida hisori zotli qo‘ylar urg‘ochilik jinsiy organlarining (tuxumdon, tuxum yo‘li va bachadonlarini) chiziqli o‘lchamlari va absolyut og‘irliliklari postnatal taraqqiyotning turli fiziologik bosqichlarida anatomo-topografik holati, hamda hayvonlarning tabiiy yashash sharoitiga ko‘ra o‘ziga xos o‘zgarish dinamikasini namoyon qilishi kuzatildi.

Hisori qo‘ylar chap tuxumdonning uzunligi hayvonlar postnatal ontogenezining 1 oylikda 0,79 sm ga teng bo‘lib, rivojlanishning keyingi 3 oylik bosqichida 0,96 sm gacha shu davr mobaynida o‘sish kofissenti 1,21 martagacha oshadi. Chap tuxumdonning ushbu ko‘rsatkichi 6 oylikda 1,41 sm ni, 12 oylik bosqichida 1,45 sm ni tashkil qilib, chap tuxumdon uzunligining absolyut ko‘rsatkichini o‘sish koeffisiyenti hayvonlar postnatal rivojlanishining 1 oylikdan 12 oyligiga qadar bo‘lgan davr ichida 1,83 martaga teng bo‘ldi.

Chap tuxumdon qalinligining ko‘rsatkichi hisori zotli qo‘ylar postnatal ontogenezining 1 oylikda 0,31 sm, 3 oylik davrida bu ko‘rsatkichi 0,37 sm ga yetishi, Keyingi 6 oylikda bu jarayonni bosqichli tarzda kechishi (0,38 sm), 12 oylikda boshqa yoshdagilarga qaraganda eng yuqori 0,41 sm ga yetishi qayd etildi. chap tuxumdon qalinligi-



Tuxumdonlar marfometrik o'lchamini olish.

Bachadon shoxining  
marfologik o'lchamini olish.

Bachadonning og'irligini  
o'lchash.

oyligiga qadar bo'lgan davr mobaynida 1,48 marta tashkil etdi.



Olti oylik qo'yda bachadonning tuzilishi.

ning o'sish koeffisiyenti qo'ylar postnatal rivojlanishining 1 oylikdan 12 oyligiga qadar bo'lgan davr mobaynida 1,32 marta tashkil etdi.

Qo'ylar chap tuxumdoni og'irligining absolyut ko'rsatkichi hisori zotli qo'ylar postnatal ontogenetining 1 oyligida 8,1 g, 3 oylik davrida bu ko'rsatkich 9,10 g ga yetishi, Keyingi 6 oylikda bu jarayonni bosqichli tarzda Kechishi (10,9 g), 12 oylikda boshqa yoshdagilarga qaraganda eng yuqori (12,38 g) darajaga yetishi qayd etildi. Chap tuxumdoni og'irligining absolyut ko'rsatkichi o'sish koeffisiyenti qo'ylar postnatal rivojlanishining 1 oylikdan 12 oyligiga qadar bo'lgan davr mobaynida 1,52 marta tashkil etdi.

Hisori qo'ylar o'ng tuxumdoni uzunligi hayvonlar postnatal ontogenetining 1 oyligda 0,76 sm ga teng bo'lib, rivojlanishning keyingi 3 oylik bosqichida 0,90 sm gacha, shu davr mobaynida o'sish koeffisiyenti 1,28 martagacha oshadi. 6 oylik bosqichida 1,39 sm ni tashkil qilib, 12 oylik bosqichida 1,43 sm ni tashkil qilib, chap tuxumdon uzunligining absolyut ko'rsatkichini o'sish koeffisiyenti hayvonlar postnatal rivojlanishining 3 oylikdan 12 oyligiga qadar bo'lgan davr ichida 1,88 martaga teng bo'ldi.

Hisori qo'ylarni o'ng tuxumdonni qalinligi hayvonlar postnatal ontogenetining 1 oylikda 0,30 sm ga teng bo'lib, rivojlanishning keyingi 3 oylik bosqichida 0,34 sm gacha shu davr mobaynida o'sish koeffisiyenti 1,13 martagacha oshadi. 6 oylik bosqichida 0,36 sm ni tashkil qilib, 12 oylik bosqichida 0,39 sm ni tashkil qilib, chap tuxumdon uzunligining absolyut ko'rsatkichi o'sish koeffisiyenti hayvonlar postnatal rivojlanishining 3 oylikdan 12 oyligiga qadar bo'lgan davr ichida 1,3 martaga teng bo'ldi.

O'ng tuxumdonni og'irligining absolyut ko'rsatkichi hisori zotli qo'ylar postnatal ontogenetining 1 oylik davrida 8,0 g dan 3 oyliklarda bu jarayonni bosqichli tarzda kechishi 8,98 g, 6 oylikda esa 10,31 g, 12 oylikda yana 11,86 g, qayd etildi. O'ng tuxumdonning og'irligi absolyut ko'rsatkichi o'sish koeffisiyenti qo'ylar postnatal rivojlanishining 1 oylikdan 12

#### Foydalaniman adabiyotlar ro'yxati:

1. Водяницкая, Т.С., Родина Э.Э., Степанова Э.В., Игнатенко И.В., Косенкова Д.А., Зайцева Э.В. Возрастные и индивидуальные особенности желудка, кошек из мешотошников птиц кросса Хайсекс Браун // Вавилонские чтения - 2004; Матер. Всероссийской иллюстрированной конференции 117-го годовщины со дня рождения академика Н.И. Вавилова / Саратовский госаграрный университет. - Саратов, 2004 с 46-49.
2. Водяницкая Т.С., Родина Э.Э., Степанова Э.В., Криклий Н.Н., Зайцева, Морфометрия показатели желудка и кошек птицы кросса Хайсекс Браун // Управление функциональными системами организма Материалы Международной науч.-практической конференции, Посвященной 75-летнему кафедре физиологии Ставропольского ГАУ и 60-летнему кафедре хирургии/Ставропольского аграрного университета. - Ставрополь, 2006. - б. 168-13.
3. Водяницкая Т.С., Зайцева Э.В. Микроанатомия кошек, курица кросса Хайсекс браун // Птицеводство
4. Некрасова И.И. Морфометрические показатели некоторых мочевыделительных органов кошек. Москва, 2012 йил
5. Складнева Э.Ю. Количественные параметры лимфангив и мочевого пузыря домашних плотоядных // Материалы ИИ Всероссийской интернет конференции «Современные проблемы анатомии, гистологии и эмбриологии животных». Казань: издательство «Казанский ун-т», 2011. С. 69-766.
6. Маджидов Ф.Х. Возрастные особенности строения органов мочевыделения у каракулских овец, узбекских коз. Тезисы докладов научной конференции восточносибирских морфологов. Иркутск, 1961. -С. 206-207.
7. Некрасова И.И. Морфометрическая показатели некоторых органов мочевыделительной системы кошек. Москва, 2012. -С. 214-217
8. Фисенко Юлия Николаевна. Морфология матки у самок овец западно-сибирской мясной породы «Ветеринарные науки» Вестник Алтайского государственного аграрного университета 2017

УЎТ 636.9.636.083

Р.Х.Даниеров, таянч докторант, Б.Б.Ибрагимов, (PhD)  
 Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
 биотехнологиялар университети

## ҚУЁНЛАРНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### Аннотация

В статье проанализированы способы содержания кроликов, применяемые в отрасли. Сравниваются положительные и отрицательные стороны каждого способа содержания. Это дает кролиководам определенные знания и навыки по способам содержания кроликов.

**Калим сўзлар.** Қуёнчилик, сақлаш усуллари, эркин, изоляцияли, катак, шед, саноат.

**Кириш.** Қуёнчилик чорвачиликнинг муҳим ва тез етилувчан тармоғи хисобланади. Ҳозирги кунда жаҳонда қуён гўшти ишлаб чиқариш 2,0 млн тоннани ташкил этиб, жами ишлаб чиқилган қуён гўштининг 70 фоизи Хитой, Италия, Франция ва Испания давлатларига тўғри келди. Шу жумладан, Хитойда ийлига 660 минг тонна, Италиядаги 330 минг тонна, Франциядаги 250 минг тонна, Испаниядаги 180 минг тонна, Россиядаги эса 15 минг тонна қуён гўшти етиширилди. Хитой 2 млрд доллар, Венгрия 50 млн доллар микдордаги қуён гўштини экспорт қилмоқда.

Мамлакатимизда асосан гўшт ва гўшт-мўйна йўналишидаги қуён зотлари урчитилиб, улар билан асосан ишқибоз аҳоли ўзларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида шугууланадилар, 2016 йилдан бошлаб қуёнчиликни саноат асосида урчитувчи агрофирмалар ташкил этила бошланди. Қуёнчилик жаҳонда энг тараққий этган Италия ва Франция каби мамлакатларда ҳам ишлаб чиқариладиган қуёнчилик маҳсулотларининг 40 фоиздан ортигини ишқибоз қуёнбокорлар хисобига тўғри келади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қуёнчиликда қўлланиладиган сақлаш усулларини ўзаро таққослаб ўрганиш. Турли тоифадаги хўжаликларда қуёнларни саклашнинг турли варианtlарини таҳлил қилиб чиқиши.

**Тадқиқотнинг материали ва методлари.** Қуёнчилик тарихида қўлланилган ва ҳозирги жаҳон амалиётида қўлланилаётган сақлаш усуллари ўзаро эмпемик таққосланди. Қуёнларнинг соғлом хаёт кечириши, кўпайиши, ўсиши, гўшт маҳсулорлари, тери-мўйна сифати, хўжалик фойдали белгиларининг шаклланиши, хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичиларига таъсири зоотехнияда умумқабул қилинган методлар ёрдамида ўрганилди. Ветеринария-санитария қоидаларига мос келиши, зоотехния тадбирларини олиб боришга кулайлиги ва зоогигиеник месъёрларга асосланиши илмий манбалар ҳамда тажрибали қуёнбокарларнинг анамнез маълумотлари эмперик анализ қилинди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқларида бўлганидек, қуёнчилик тармоғи билан шугууланувчилар ҳам мавжуд сақлаш усулларини такомиллаштириш, конструкцияси қулай, топилиши осон ва кам ҳаражат бўлган материаллардан фойдаланишга ҳаракат қилишиади.

Қуёнчилик тармоғи тарихида сақлашнинг турли хил усулларидан фойдаланиб келинган. Барча сақлаш усулларини икки катта гурухга ажратиш мумкин. Би-

### Summary

The article analyzes the methods of keeping rabbits used in the rabbit breeding. The positive and negative aspects of each content method are compared. This gives rabbit breeders certain knowledge and skills on how to keep rabbits.

ринчиси эркин усул ва иккинчиси изоляцияли усулда сақлашдир.

Эркин усул примитив усул ҳисобланиб, кам ҳаражат талаб қиласди. Эркин усулда сақлаш қуёнларни табиий яшаш шароитига максимал даражада яқинлаштиради. Бунда қуёнлар ўзлари учун ердан мураккаб ва узун уя қазийдилар. Қуёнлар табиатан эркинлик ва фаол ҳаёт тарзини ёқтирадиган ҳайвон ҳисобланади. Ёпиқ ерда улар ўзларини ҳаракати чекланган ва ноқурай ҳис қилишиади. Шу сабабли улар стрессли ҳолатга тез-тез тушиб қолишиади, айниқса урғочи жинс вакилларида тажовузкорлик белгилари намоён бўлади. Қуёнларни эркин усулда парваришлар бир қатор афзалликларга эга. Катакларда сақланадиган қуёнлар этологик ва жисмоний жиҳатдан ўзини анча ёмон ҳис қилишиади. Булар стресс, депрессия, турли касалликлар ва эмлаш зарурати шулар жумласидандир. Эркин усулда қуёнлар эмланмайди. Шунинг учун ҳам энг ёмон салбий томони шундаки, агар бирон бир юкумли касаллик ўз вақтида аниқланмаса, бутун қуёнлар касалланиб нобуд бўлади. Одатда инфекциялар изоляцияли усулда сақланганда секинроқ тарқалади. Қуёнлар бу усулда сақланганда уларни доимий назорат қилиш, наслчилик ва ветеринария-санитария ишларини олиб бориш имконияти чекланади ёки бўлмайди. Эркин усулда сақлашнинг ижобий кўплаб афзалликлари мавжуд. Буларга куйидагиларни мисол келтириш мумкин:

- озиқлантиришининг қуайлиги (ҳар бир катакка озуқа қўйиш керак эмас, қуёнлар очиқ майдондаги ўсимликлар билан озиқланшиади).

- худудни тозалаш қуайлиги (агар худуд ўралган ҳолда бўлса, хас-хашак ва шоҳ-шаббадан ийлига 2-3 марта вақти-вақти билан тозаланади. Агар қуёнлар бутунлай эркин сақланса, тозалашга эхтиёж бўлмайди;

- қуёнлар ўзаро тортишувсиз, озуқани бўлишиб яшashi мумкин (баъзан эркак ёки урғочи ўргасида жуфтлашиш даври ёки худудни бўлиниши пайтида тўқнашувлар бўлиши мумкин ва бунинг олдини олиш учун эркак қуёнлар алоҳида сақланади ёки 5-10 урғочи қуёнга бир бош эркак қуён қолдирилади (гаремли сақлаш);

- худудга кўк ўтлар, илдизмевалар, буталар ва бошқа қуёнлар озиқланадиган ўсимликларни экиш мумкин.

Эркин усулда сақланган қуёнлар бир худудда яшашга мослашишлари натижасига одатда ўз худудини ташлаб қочиб кетмайди. Шунинг учун ҳам вольєр қуриш шарт

бўлмайди. Бу эркин яйлов усули ҳисобланади. Озуқа охурларига ўзлари келишади. Она қўёнлар куни билан озиқланиб, кечқурун ёки тонг саҳарда болаларини эмизади. Қўёнларни эркин усулда сақлаш барибир маълум бир ҳудуддагина бўлишини таъминлаш керак. Бўлмаса кўшни ҳудудга ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳудуд атрофи тўсик билан ўралади. Бундай сақлаш усули ярим эркин усул бўлиб, қўёнларнинг яйраб юриши учун етарлича ҳудуд юзасига эга бўлади. Бундай сақлаш вольвери сақлаш усули ҳисобланади. Ўра қазиш қўёнларнинг биологик хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун вольвер атрофини 1,5 м чукурликда бетон тўсиқлар ва унинг устини 1,2-1,5 м баландликдаги шифер ёки сим тўр билан ўраш максадга мувофик бўлади.

Адабиётлар таҳлили ва қўёнбокарларнинг анамнез маълумотларига кўра, эркин усулда сақлаш бир қатор камчиликларга эга бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиш:

- юкорида айтиб ўтилганидек, ветеринария-санитария тадбиrlари деярли ўтказилмайди, вакцинация жараёни йўқ. Шунинг учун миксоматоз, вирусли гемморагик касалликларнинг олди олинмайди. Натижада қўёнлар галасида ўлим 100 фоизгача боради;

- она қўёнларнинг болалаши, уядан болаларини ажратиш муддатларини бошқарib бўлмайди. Ёш қўёнларнинг келиб чиқиши бўйича маълумотлар юритилмайди. Қўёнлар ўртасида инбридинг даражаси юкори бўлади. Натижада “инбридинг депрессия” келиб чиқади;

- қўёнларни эркин сақланганда жисмонан жадал ўсиб, мускул толаларининг пишиқлиги ошади, тузи қизғиши бўлади. Бундай қўён гўшти қаттиқроқ ва товарлик хусусияти анча пастдир. Гўшт нисбатан қийин ҳазмланади. Шунингдек тери-мўйна сифати бузилади. Ялтироқлиги йўқолиб, хиралашади;

- эркин усулда сақланган қўённи тутиш жуда қийин ҳисобланади. Бундай қўёнлар анча чопқир ва абжир бўлади. Агар қўён сақлаш майдонидан четга чиқиб кетса, тутиш янада қийинлашади;

- очик майдонда қўёнларни йиртқич хайвонлар, йиртқич қушлар ва судралиб юрувчиларнинг тутиб олиши осон бўлади. Бундан ташқари, захарли ҳашаротлар ва ўргимчаксимонларнинг чақиб олиши эҳтимолдан ҳоли эмас;

- эркин усулда сақланган қўёнларда наслчилик ишларинин умуман юритиб бўлмайди. Насл учун қўёнларни танлаш осон эмас. Фақатгина қариндош жуфтланишнинг олдини олиши қисман назорат қилиниш мумкин;

- ўйларни қўёнларни эркин ҳолда вольверда сақлаш усули қиши фасли совук бўлган ҳудудларга тўғри келмайди.

Умуман олганда, қўёнларни катақсиз сақлаш услублари қўёнчилик тарихида қўлланилиб келинган экстенсив сақлаш усулларига киради. Қўёнчилик тармоғини ривожлантириш ва маҳсулотларни жадал ишлаб чиқариш имконияти чекланган бўлади. Шунинг учун қўёнларни эркин ва ярим эркин ҳолда сақлаш усуллари бугунги кунда деярли қўлланилмайди. Улар орасида блиндажли, гареймли, ўрада, вольверда, ерда сақлаш усуллари ҳаваскор қўёнбокарлар орасида бугунги кунда қисман учрайди.

Хозирги кунда қўёнларни сақлашнинг изоляцияли усули кенг фойдаланилмоқда. Изоляцияли усулнинг *катақ, шед* ва *саноат* усулида сақлаш хиллари дунё амалиётида қўлланилмоқда.

**Катақларда сақлаши** усулида қўёнлар бутун ўйларидан очик ҳавода ёки айвон остида ўрнатилган бир қаватли ёки кўп қаватли (икки ёки ундан ортиқ) кўчма ёки стационар ҳолда сақланади. Ер юзаси майдонидан самарали фойдаланиш учун катақлар 3-4 қаватли (*ярус*) килиб ўрнаталади. Аммо кўп қаватли катақларда қўёнларни парваришлаш жараённида қўёнбокар ишини бироз қийинлаштиради. Катақлар доимо тоза ва куруқ бўлиши учун катақ юзаси рейкали ёки сим тўрли килиб ясалади. Шундай килиб ясалганда қўённинг экскременти ва сийдиги катак ичидаги тўпламайди. Қўёнлар очик ҳовадаги катақларда сақланганда мўйнасининг сифати маълум даражада яхшиланиши, организмда иммуниитетнинг мустаҳкамланиши, касалликларга чидамлилиги ошади. Қўёнларни очик ҳаводаги катақларда сақлашда ҳарорат режимига риоя қилиш талаб этилади. Катақларни ёпик бино ичидаги жойлаштириш ҳам мумкин. Қўёнхонада зоогигиеник меъёр бўйича ҳарорат  $+12\text{--}18^{\circ}\text{C} \pm 5^{\circ}$ , нисбий намлик 60-75 % бўлиши, қўёнларнинг зоти, ёши ва тана ўлчамларига боғлиқ ҳолда ҳар бир бошга  $0,45\text{--}0,65\text{ m}^2$  юза талаб этилади.

Қўёнларни катақларда сақлашнинг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

- бино ичидаги жойлашган катақларда ўйларидан авлод олиши мумкин;

- ҳашакли, гранулали озуқалар бериш мумкин;

- касалликнинг тез тарқалиб кетиши изоляцияланган;

- қишида қўёнларни сув билан таъминлаш.

Қўёнларни катақларда сақлашнинг камчиликларига қуйидагилардан иборат:

- механизациялашган қурилмаларнинг йўклиги;

- барча ишлар қўлда бажарилгани учун кўп меҳнат талаб қилинади;

- меҳнат унумдорлигининг нисбатан паст;

- микроиқлим кўрсаткичларини деярли бошқарib бўлмайди;

- очик ҳаводаги катақларда қишида авлод олиб бўлмайди.

**Шедда сақлаши** усули қўёнлар ва мўйнали ҳайвонларни парваришлашда кенг қўлланилади. Шед ўз кострукциясига кўра асос ва деворлари тўртбурчак, том қисми эса учбурсак шаклда бўлади. Шеднинг ички қисми параллел ҳолда жойлашган катақлар тизимидан иборат. Қарара-қарши катақлар оралиғида 1,1-1,5 м оралида хизмат кўрсатиш йўлаги курилади. Шедда катақлар асосан 1 ярус, баъзан 2 ёки уч ярусли бўлади. Катақлар бир ярусли бўлса ер сатҳидан  $0,5\text{--}0,7\text{ m}$  баландликда жойлаштирилади. Шедларда елвизак бўлмаслиги учун олд қисмидан икки тавақали эшиклар, ён деворлари ёғоч, асбест ёки пленка билан беркитилади. Девор қисмидаги очилиб-ёпиладиган деразалар бўлади. Ост қисмидаги эса гўнгдан тозалаш учун табакали калкён бўлади. Шедларнинг узунлиги ҳар хил, бир неча метрдан 60-90 метргача боради. Қўёнларни шедларда сақлаш усулининг технологик жараёнлари деярли механизациялашмаган. Ушбу сақлаш усулининг ижобий хусусиятларига қуйидагилар киради:

- бино конструкция ва механизациясининг оддий тузилганлиги;

- ёмғир, шамол, қордан химоя қилинганилиги;
- ҳашакли, гранулялы озукалар бериш мүмкін;
- касалликнинг тез тарқалиб кетиши изоляциялангани;
- табиий вентиляциядан кенг фойдаланиши;
- озуканы катакларга солиш ва гүнгдан тозалаш ишлари қуёнбокар учун қулай бўлганлиги;

Бу усульда сақлашнинг камчиликлари қўйидагилардан иборат:

- юқори кўл меҳнати талаб қилиниши;
- совук қищда мавсумида кўёнлардан авлод олиш имкони йўқлиги
- микроиклим кўрсаткичларини деярли бошқариб бўлмайди;
- ишлаб чиқалиладиган маҳсулот тан нархи нисбатан юқори бўлиши.

**Саноат усулида сақлаш** энг сўнгти илгор усул ҳисобланади. Бундай сақлаш тугалланган тизимга асосланади, озуқа ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот яратишгача бўлган жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Бутун ишлаб чиқариш цикли минимал ҳаражатлар ва юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлиши билан характерланади. Саноат усулида сақлашда барча технологик жараёнлар (озуқа тарқатиш, суфориш, вентиляция, ёритиш, иситиш, гүнгдан тозалаш, сўйиш, қадоклаш ва х.к.) механизацияланшган бўлади. Бинода ветеринария-санитария ишлари қаттиқ назорат қилинади. Урғочи қуёнлар сунъий уруғлантириш усули билан қочирилади. Бегона шахсларнинг худудга кириши чекланган тартибда бўлади. Саноат усулида микроиклим кўрсаткичларига қатъий амал қилинганилиги учун урғочи қуёнлардан йил бўйи авлод олиш, тифиз ва ўта тифиз болалатиши имконини беради. Саноат усулида сақлашнинг ижобий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- деярли барча жараёнлар механизацияланганилиги;
- юқори меҳнат унумдорлигига эгалиги;
- катаклардан самарали фойдаланилади (катаклар бўши турмайди);
- меҳнат ҳаражатлари минимал;
- маҳсулот ишлаб чиқариши таннархи нисбатан паст;

Саноат усулида сақлашнинг камчилик томони :

- катта сармоя талаб этади.

**Хулоса** шуки, қуёнларнинг биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига сақлаш усууллари бевосита таъсир кўрсатади. Турли тоифадаги хўжаликларда қандай сақлаш усулидан фойдаланиш мулчилик шаклига, мавжуд сармояга, табиий иқлим шароитига ва қуёнчилик фермасининг географик жойлашув ўрнига қараб танланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Александров В.Н. Научные основы технологии производства продукции кролиководства в шедах. Автореф. док дисс. с-х наук. 2001.-17 с. п Родники. Московская область.
2. Мирюкова О.С., Полковникова В.И. “Кролиководство” Учебно-методическое пособие Пермь ИПЦ «Прокрость» 2016.-с 106
3. Камлацкий. В.И., Логинов С.В., Камлацкий Г.В., Игнатенко Я.А. “Эффективное кролиководство” Ростов-на-Дону. Феникс. 2014.-с 234.
4. Кошиб И. И., Калюжный Н.С., Волчкова Л.А., Нестеров В.В. “Зоогигиена” Санкт-Петербург- Москва. Краснодар. 2013.-с. 371.
5. Мысик А.Т. “Состояние живодноводства и инновационные пути его развития” Зоотехния. 2017. №2.-с. 8-9.
6. ОГАУ «Инновационно-консультационный центр АПК» Белгородской области 2016.-20 с.
7. <https://znaifermu.ru/krolik/soderzhanie-krolik/volnoe>.

**А.А.Нурматов, Чорвачилик ва паррандачилик  
ИТИ директори, қ.х.ф.н.,**

**С.И.Мавланов, ветеринария фанлари доктори**

## ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ АМАЛИЁТГА

Республикамида чорвачилик соҳасининг ривожида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантариши давлат қўмитаси ҳузуридаги Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг ўрни бекиёсdir.

Тадқиқотлар натижасида кейинги уч йилда озукабоп экинларнинг сермаҳсул **3 ма янги навлари**, жумладан маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018”, жавдарнинг “Шалола”, ҳашаки лавлагининг “Ҳосилдор” навлари яратилди ва давлат реестрига киритилди.

Маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018” нави дон ҳосилдорлиги гектарига 100-120 центнер, кўк масса ҳосилдорлиги гектарига 600-650 центнерни ташкил қилиб, кимматбахо хорижий дурагайлар ўрнини боса олади. Республикада илк бор яратилган жавдарнинг маҳаллий “Шалола” навининг дон ҳосилдорлиги гектарига 40-45 центнер, кўк масса ҳосилдорлиги гектарига 300-350 центнерни ташкил этади. Ҳашаки лавлагининг янги яратилган “Ҳосилдор” нави илдизмевасининг ҳосилдорлиги гектарига 800-1000 центнерни ташкил этади. Янги навлар ҳар йили Республикамизнинг элликка яқин фермер хўжаликларида 3 минг гектардан ортиқ майдонларда экимлока.

Хозирги кунда маккажўхорининг “Ўзбекистон 2018” нави, третикаленинг “Кумушсимон праг” нави, сулининг “Ўзбекистон кенг баргли” нави, Жавдарнинг “Шалола” нави, қашқарбеданинг

“Қибрай” нави, озукабоп лавлагининг “Ўзбекистон 83” навларининг бирламчи уруғчилиги ташкил этилиб, ҳар йили 50 тоннадан ортиқ элита ва суперэлита уруғдан тайёрланмоқда ҳамда ҳўжалик шартномалари асосида кўплаб чорвачилик субъектларига етказиб берилмоқда.

Ўзбекистонда **илк бор турли генотипдаги Бушуев** зотли корамолларнинг қонини оқсил полиморф тизимларига боғлиқ равишида ўрганиш орқали генетик маркёrlар асосида зотнинг маҳсулдорлик ва пуштдорлик кўрсаткичларини аниқлаш ва генетик паспортини яратиши ишлари институт ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари билан ҳамкорликда Қибрай туманидаги “Ўзнаслчиллик” давлат корхонасида парваришланадиган ва уруг олишида фойдаланилаётган Бушуев зотига мансуб 3 бош наслии букаларнинг қони олиниб, лаборатория шароитида молекуляр генетик тахлил қилинди ва кон таркибидаги ДНК ажратиб олинди. Уларнинг қони оқсил полиморф тизимларига боғлиқ ҳолда генетик маркёrlар асосида ўрганилиб, қорамолларнинг маҳсулдорлик ва пуштдорлик кўрсаткичлари аниқланди. Натижада Бушуев зотли букаларнинг генетик маълумотлар базаси яратилди.

Бугунги кунда қорамолларнинг асосий қисми аҳоли хона-донларида боқилаётганлигини ҳисобга олиб, Жанубий Коре-

янинг Ўзбекистондаги “КОРIV” маркази билан ҳамкорликда аҳоли хонадонларида қорамолларни TMR технологияси асосида боқиши бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. TMR технологияси Қорақлопгистон Республикаси ва вилоятларда жами 600 дан ортиқ хонадонларга жорий килинди. Тадқиқотлар натижасида озуқаларнинг истроғарчилиги тўлиқ бартараф этилиб, озуқа 30 фойзга иктиносидан килинмоқда, озуқаларни ҳазмланиши даражаси 20 фойзга, қорамолларнинг тирик вазни 20 фойзга, гўшт сифати 12 баллга, чорвадорлар оладиган даромад 30 фойзга ошиди.

2022 йилда институт олимлари кореялик олимлар билан ҳамкорликда *синов тариқасида озуқаларни майдалавчи ва аралаштируви минимиксер* ускунасини ишлаб чиқиб, вилоятларда синов ишлари олиб борилмоқда. Бу озуқалардан самарали фойдаланиш, чорва молларини тўла қийматли озиқлантириш ва чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қиласди.

Шунингдек, аҳоли хонадонларига мўлжалланган электр токида ишлайдиган 1,2м<sup>3</sup> кичик ҳажмли 2 та минимиксер техникасини намуна тариқасида ишлаб чиқарилиб, институт тажриба хўжалиги ва аҳоли хонадонларида синалмоқда.

Аҳолидаги қорамолларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва сифатли гўшт берадиган янги зот яратиш бўйича селекция ишлари ҳамда мармарсимон гўшт етиштиришда жаҳон талабларига жавоб берадиган миллий стандартлар ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бу борада институт олимлари томонидан зот яратиш дастури ишлаб чиқилди ҳамда “Ўзбекчорванасл” агентлиги ва “Ўзнаслчилик” давлат корхонаси билан биргаликда институтда етиштирилган 2 бош наслии буқадан 10 минг доза (паетада) музлатилган уруғлар тайёрланди.

Институт олимлари томонидан швиц зотли қорамолларнинг юқори маҳсулдор янги “Водий” типи ва 3 та завод линиялари яратилиб, патент олинди. Ушбу яратилган янги тип ва линияларга мансуб сигирларда ўртacha сут маҳсулдорлиги

5000-5500 кг, рекордчи оиласада 10 000 кг дан кўпроқ бўлди. Уларнинг бош сони 5000 бошдан ошиб, Андижон вилоятидаги қорамолчилик наслчилик хўжаликларида бокилмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг сутчилик комплекси подасида қизил чўл зотли сигирларнинг 10 та янги сермаҳсул оиласада яратилди.

Кейинги йилларда кўйчилиқда олиб борилаётган кенг миёсдаги селекция ишлари натижасида гўшт-ёф йўналишида жайдари қўйларни Ҳисори зотли қўйлар билан чатиштириш орқали янги “Ақчасой” типи яратилди ва унга патент олинди. Шунингдек, майин ва ярим майин жун йўналишида ҳам селекция ишлари йўлга кўйилган. Ушбу йўналишида янги қўй зотини яратиш борасида Россия Федерациясидан меринос зотли 170 бош қўйлар, шу жумладан 120 бош она қўйлар, 50 бош наслии қўчкорлар олиб келиниб, тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, институтнинг Оҳангарон бўйими томонидан БМТ тараққиёт дастури техник ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Оҳангарон туманида яйлов экинлар уруғчилиги йўлга кўйилди.

Жундор ва тивит эчкичилиқда “Ўзбекистон жундор” эчкilarни яратилган бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар давомида зотни такомиллаштирилиши натижасида зот ичидаги “Узун ва зич жунли” ҳамда “Узун ва зич тивитли” тизимлари яратилди.

Асаларичилиқда *она асаларини сунъий усолда ургулантириши* технологияси ишлаб чиқилди. Мазкур технология киска вақт ичидаги жуда кўп она асалариларни ургулантиришга, вақт тежалишига, она асалариларнинг кунлик тухум кўйишини 20-25 фойзга, оиласининг маҳсулдорлигини 20-25 фойзга ошиш имконини беради.

Йилқичилиқда қорабайир зотли отларнинг “Қопкон” ва “Кросс” тизимлари ҳамда “Бонна” оиласи яратилган бўлса, аҳолини қуёччилик соҳасига жалб қилиш максадида Булунғур туманида “Қуёччилик илмий-амалий мактаби” ташкил этилди. Мактабда 120 дан ортиқ ёшлар ўз малакасини оширишди.

## ТАБРИК

### ҚАДДИНГИЗ БУКИЛМАСИН, ЎКТАМЖОН БОБО

Ўйчилик ветврач устозимиз Ўктаамжон бобо Фофуров муборак 80 ёшни каршиладилар. Биз уни самимий табриклидик, Сизга кўз тегмасин, биз билан елкадош бўлиб узоқ йиллар ёнимизда юринг, Аллоҳ риску насибангизни улуғ қилган бўлсин, дедик

Ўктаамжон бобонинг хавас қиладиган жиҳатлари кўп. Самимий, билимдон мутахассис, касбини яхши кўради, ўқиши-ўрганишдан тўхтамаган ҳам. Яна бир жиҳати шундаки, у русчани ўз она тилидек мукаммал билади. Мактабда айлого ўқигани боис 1967 йилда хеч иккисинчай Москва ветеринария академиясининг ветеринария факултетига ўқишига киргану, 1972 йилда ветврачлик дипломини олган. Зеҳнли йигит ўша маҳал Москвада, институтда қолиб профессор мартабасига эришса бўларди, аммо қишлоққа бўлган чексиз меҳр уни ортига қайтарди. Тақдирда, қолаверса мухаббати ҳам Ўйчидаги эди.

Устозимиз 16 йил Ўйчи бройлер паррандачилик фабрикасида бош ветеринария врачи лавозимида фаолият кўрсатди. Айнан унинг саъи-ҳаракати билан бу фабрикада ветеринария лабораторияси ташкил этилди. Кўплаб ёшлар Ўктаамжон бобонинг талабчанлиги боис севган касбining билимдонига айланишиди. Улар айни чоғда устозни бехад эъзозлашади. Ана шундай садоқатли шогирдлар орасида Ўйчи туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиги Валижон Болтабоев, серолог ветврач Собиржон Сайдазимов, вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг бўлими бошлиги Абдугофир Султонов, паррандачилик билимдони Набижон Бобоевлар бор.

Ҳалол меҳнат ортидан қадр топган Ўктаамжон бобо умр йўлдоши Обида ая билан икки ўғил ва тўрт қизни камолга етказди. Низомжон тарих фанлари номзоди, Садриддин, Нодира, Хуршида, Шахноза ўқитувчи, Малика тикувчилик касбини танлашган. Йигирма икки нафар набиралар бобонинг атрофида парвона.

Айни чоғда устозимиз нафакада бекор ўтиришини истамай Чорток туман маркази жойлашган «ЗООВЕТСЕРВИС» ветеринария дорихонасида ишлайти. Азиз устоз, сизни яна бир карра кутлуг ёш билан муборакбод этамиз. Узоқ йиллар шогирдлар даврасида, фарзандлар, набиралар ардоғида соғ-саломат пиру бадавлат бўлиб юришни сизга Аллоҳдан сўраб қоламиз.

**Наманган вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, Ўйчи туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими жамоаси**

